



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: uzas@exat.uz 2013 yil 8 noyabr • №45 (4236)

АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИ

Адабиётимиз — улур адабиёт, унинг улурлиги исбот талаб қилмайди деган ҳақиқатдир. Адабиёт турли ижод, яратилган руҳ билан йўрилган ирмоқлар, сойлар, дарёларнинг қўшилишидан пайдо бўлган, кўрк очган буюк уммондир. Уммонга ҳар бир жилага ўз сози, овози, таровати билан кириб боради, унга бетакрор ҳусн бағишлайди. Жиллага қуёш нуридай меҳр, эътибор зарур, ўзига донғил йўл очишига бегараз далда, кўмак керак.

"Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларнинг иқтидорини рўйбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм зарурлигини бугун адабиётимиз манфаатлари талаб этмоқда, — дейилади Юртбошимиз Ислам Каримовнинг "Адабиётга эътибор маънавиятга, келажакка эътибор" дея номланган дастуриламал китобида. — Ёш адиб ва шоирлар, адабий танқидчиларнинг ҳар бири ўз асарлари билан

адабий жамоатчилик назаридан, ижодий танловлар, жиддий тақриزلардан ўтиб, тегишли эътирофга сазовор бўлиб, шундан кейингина адабиёт майдонига ва Уюшма аъзолигига кириши лозим. Авваломбор, устоз адибларни, Ёзувчилар уюшмасининг тажрибали ва нуфузли аъзоларини ёшлар билан ишлашдек муҳим жараёнга кенг жалб қилишимиз даркор." Бу ўринда Ўзбекистон Ёзувчилар

уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш, истеъдодларни топиш, тарбиялаш тамойиллари рўй-рост белгилаб берилганини кўраимиз. Уюшманинг "Дўрмон" ижод уйида ўтказиб келинаётган "Истеъдод мактаби" республика ёш ижодкорлар семинарини юқорида айтиб ўтилган иқтидорли ёшларни рўйбга чиқаришда ўзига хос "чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм" деб бемалол айта оламиз. Шу йилнинг 28 октябрь — 1 ноябр кунларида бўлиб ўтган Республика ёш ижодкорлар V семинари ана шу йўлда қўйилган қўлғу қадамлардан бири бўлди. У ёш ижодкорларимиз учун чинакам адабиёт байрами, маҳорат мактабига айланди. "Дўрмон" боғи гавжум бўлиб кетди.

Давоми иккинчи саҳифада.



Бобшарар ТУРОБОВ олган сурат.

Вақт ҳодисаси бир йўла бир неча — физика, математика, астрономия ва бошқа фанларда ўрганилади. Вақт иштирок этмаган жараённинг ўзи йўқ. Бадий адабиёт отлиғ яратилган ҳам зарурий ингредиенти, ўта нозик, кўз илғамас, аммо ҳаминча ҳар ерда ҳозир нозир масалани вақтдир. "Тарих — бу вақт доирасида кечадиган жараёнларни ўрганиш бўлиб, лекин вақт нима эканини ҳеч ким билмайди", деб ёзади машҳур олим Л.Гумилев.

ВАҚТ ФАЛСАФАСИ

Ўхшаш сарра ҳодисанинг поэтик таъқини

Вақт каби юзаки қараганда жўн, замирига боқилса ўта тилсим ва мавҳум нарсани (уни нарсаси деб ҳам, нарсаси эмас ҳам деб бўлмайди) поэтик мавзу қилиб олиш, уни муносиб тарзда юксак поэтик мезонларда очиб бериш учун бу ишга қўл урган ижодкор бир вақтнинг ўзида ҳам улур шоир, ҳам файласуф бўлмоғи, яъни мавҳум фикрдан шеър яратмоғи, фикр қаъридаги жозибани кашф этмоғи керак.

Буюк донишманд Аристотел ўзининг "Физика" асарида вақт ҳақида тўхталар экан, масалани "вақт мавжуд нарсалар сирасига кирадими ёки номавжуд нарсалар сирасига, сўнг унинг табиати қанақа" тарзида қўяди. Бинобарин, вақт физикавий аниқ ёки поэтик ҳиссий шаклда ўрганилмасин, ҳаминча сирли ҳодиса бўлиб қолаверадими.

"Вақт" шеъри яратилишидан сал ўтиб, 1946 йили (шеърга 19.9.45 санаси қўйилган) "Ҳозирги ўзбек адабиётидаги тизма сўзнинг чўққиси" (А.Қаҳор) дея баҳоланган. Шеърнинг ёзилишига туртки бўлган воқеа сарлаҳа остида аниқ қайд этилиб, "Менга соат тақдим этган жияним Ҳамидулла Ҳусан ўғлига бағишланган" деб ёзиб қўйилган. Бу шунчаки оддий бағишлов бўлмай, уни семантик очкич, деб баҳолаш мумкин. Бағишловда бошқа тафсилот йўқ. Лекин таржимон Александр Наумов шоир тилидан

ёзиб олган "Йўл тугамайди" ("Путь не кончается") сарлаҳа ҳақида Фафур Фуломнинг қатор асарлари, жумладан, "Вақт" шеъри ҳақида қимматли маълумотлар беради. Унда айтилишича, шоирга зобит жиҳатни тақдим этган соат оддий, яъни дўқондан харид қилинган янги соат эмас, балки трофей соат бўлган. Соат азал-азалдан вақт ўлчачиг асбоб, лекин трофей соатнинг бошқа қўшимча белгиси ҳам бор, у тутилган, душмандан ўлжа тарзда олинган буюм. Буни қайд этиш муҳим.

Шоир ушбу сўхбатда ҳам ҳассос ижодкор, ҳам теран адабиётшунос сифатида "Вақт"нинг туғилишидаги икки жиҳатни аниқ қайд этади.

Биринчи жиҳат. Шоир совға ҳақида гапириб, дейди: "Уни олдимиз сал ижиргандим, соатни кўриб қўйладим, уни қандайдир немис, фашист таққан, бунинг устига у ҳалок бўлган... Шундай қилиб, соат 45-йил майига-ча қайдадир ётди. Байрам тантаналари авжи қизиган пайт тасодифан олдимдан чиқди. Онгимда аниқ шаклланган фикр бўлмас-да, мен уни энди тақшим мумкин, деб ўйладим. Бир тўйда қадаҳ сўзи айтар эканман, дедим: менинг билгимдаги трофей соат бежизга эмас, илгари у душман учун вақтни ўлчаса, энди у бизнинг вақтни кўрсатмоқда!

Давоми тўртинчи саҳифада.

САЊАТ ВА МАДАНИЯТ КОШОНАСИ



Миллат маънавий қисясини белгилловчи асосий омиллар ҳақида сўз борганда, аввало, маданият, саъят соҳаларига эътибор қаратилиши бежиз эмас. Халқимиз маънавиятини асарлар давомида қўлка бўй чўлиб келётган дарахтга қўйсасан, унинг надидалари ҳаминча миллий маданиятга, саъятимиздан қувват олиб келганга гувоҳ бўламиз. Шу сабабли ҳам бугун адабиёт, театр, кино, мусиқа каби бадий ижод турлари жанрлар маънавий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган.

Маълумки, маданият ва саъят соҳаларининг ривожини ҳаминча истеъдодли ёшларга боғлиқ бўлган. Айнан шу тўғрисида мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда ўз билим ва истеъдодига суянган, ҳеч қандай кам бўлмаган, ҳаётга дадил кириб бораётган янги авлоднинг қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Утган йиллар ичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида саъят йўналишида фаолият юритувчи кўплаб мактаб, лицей ва коллежлар барпо этилди. Жумладан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва унинг тизим ташкилотларида ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида, юксак билим, маънавий жиҳатдан кенг дунёқарашга эга бўлган мустақил шахслар этиб тарбиялаш устувор вазифага айланган. Бу борада сўз борар экан, 2012 йили Президентимиз қарорига кўра Ўзбекистон давлат саъят

ва маданият институти ташкил этилгани алоҳида таъкидлаш лозим. Айтиш жоизки, ўтган вақт ичида қарор ижросига доир кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, пойтахтимизда институт учун янги замонавий ўқув маскани бунёд этилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон давлат саъят ва маданият институтида ўтказилган "Ёшларнинг ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданият ва саъят муассасаларининг ўрни" мавзусидаги анжуманда бу борада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, театр, кино, телевидение, халқ ижодиётини садоқат руҳида, юксак билим, маънавий жиҳатдан кенг дунёқарашга эга бўлган мустақил шахслар этиб тарбиялаш устувор вазифага айланган. Бу борада сўз борар экан, 2012 йили Президентимиз қарорига кўра Ўзбекистон давлат саъят

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий ишларни давр руҳига мос тарзда муттасил такомиллаштириб бориш, саъят йўналишидаги таълим масканлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш каби мавзуларидан тингланган.

Тадбир аввалида сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазир Минҳожиддин Ҳожиматов таъкидлаганидек, бугун мамлакатимизда барча соҳалар қатори маданият ва саъят йўналишларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Масалан, мустақиллигимизнинг илк йилида саъят соҳасидаги халқаро танловларда бор-йўғи 8 нафар ижрочи иштирок этиб, улардан бир нафари биринчи ўринни эгаллаган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 105 нафарга этди. Халқаро анжуманларда голиб бўлаётган ижодкорларнинг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этаётгани ҳам тасодиф эмас.

Бундай натижаларга эришишда саъят ва маданият йўналишида фаолият юритаётган ўқув муассасаларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон давлат саъят ва маданият институтининг ташкил этилишини бу борада амалга оширилган муҳим қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, қисқа вақт ичида жаҳон талабларига жавоб берувчи мана шундай муҳташам ўқув маскани бунёд этилишининг ўзбек эътирофга лойиқ. Келажакда ушбу институт республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган анжуманларга мезбонлик қилишига шубҳа йўқ.

Анжуман иштирокчилари янги институтининг ўқув бинолари билан атрофича танишиш имконига эга бўлишди. Янги таълим маскани нафақат замонавий меъморий ечимлари, балки техник имкониятлари билан ҳам йиғилганларни ҳайратга солди. Институт ректори Бахтиёр Сайфуллаев айтганидек, ушбу ўқув масканини чинакам саъят шаҳарчасига қиёслаш мумкин. Замонавий таълим даргоҳи ўқув бинолари, ахборот ресурс маркази, турар жой, ошхона, спорт майдончалари ва сув ҳавзасини қамраб олган бўлиб, бир бутун мажмуани ташкил қилади.

Давоми бешинчи саҳифада.

Ўзбекистон замонавий тасвирий саъятда ҳайкалтарошлик йўналишида ижод қилаётган аёллар у қадар кўп эмас. Сабаби саъятнинг бу турида ижод қилиш анча машаққатли: эскиз чизилади, гипсдан нусха ясалди, оловда пиширилади... Людвиг Нестерович миллий ва замонавий аъёналарни уйғунлаштирган ҳолда ўзига хос ижод олами яратган бўлишига ўти бор ҳайкалтарошлардан бири.

Бадий академиянинг кўргазмалар залида Л.Нестеровичнинг 60 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Унда муаллимнинг етмишдан ортиқ ижодий ишлари намойиш этилмоқда. Улар орасида рассомнинг портрет жанридаги асарлари ҳам бор. Муҳлислар ижодкор, унинг ҳайкалтарош сифатида яратган асарларини мароқ билан томоша қилмоқдалар. Ўзбекистон рассом-

лар уюшмаси аъзоси Л.Нестеровичнинг асарлари мамлакатимиз музей ва галереяларидан, АҚШ, Япония, Россия, Германия, Буюк Британия, Корея каби хориж давлатларининг музей ва шахсий тўпламларидан жой олган.

Ҳайкалтарош ҳар бир образга нафақат характер, балки ҳақиқий ҳаёт бағишлайди. У ижодининг бошланишида мармар,

ТОШГА БИТИЛГАН ГЎЗАЛИК



сирланган тошсопол, шамот, лой ҳамда бошқа хом ашёлардан фойдаланган бўлса, ҳозирги вақтда қимматбахто тошлардан сайқал берилган саъят асарлари яратмоқда. "Шинаванда", "Ўсмир киз", "Ҳазирама кун", "Овчилар", "Халқ куйи" ҳайкаллари томошабинларга манзур бўлди.

Пойтахтимиздаги Тасвирий саъят галереясида япониялик уста Мичико Хамазакининг "Дайжикиги" — япон хусниҳати бўйича маҳорат дарси бўлиб ўтди.

Кўргазма запариди

Хамазаки-сан дунё бўйлаб саёҳат қилиб, Шарқнинг қадимий ёзувларини ўрганган, қояларга туширилган иероглифлар билан яқиндан танишган, саҳро ва тоғлардаги қадимий иероглифларни ҳам чуқур ўрганган. Шундан сўнг "Дайжикиги" саъятига қўл уриб, маҳоратини ошириб борган.

— "Дайжикиги"нинг ўзига хослиги шундаки, — деди Тошкентда илк бор ўз саъятини намойиш этаётган Мичико-сан, — уста аввал аудитория томонидан айтилган сўзларни танлаб олади. Шундан кейин асосий ҳаракат бошланади. Уста дастлаб катта қоғоз бўлаги устига туриб олиб, маросим рақсини ўтказди. Кейин оғирлиги саккиз килограмм келадиган мўйқаламни тушга ботириб олиб ёза бошлайди. Мўйқаламдан тўқилаётган бўёқлар ўзига хос суратга айланиб, кейин иероглифлар пайдо бўлади.

Дилноза ҚОСИМОВА

Севилян газетангиз —

«Ўзбекистон адабиёти ва саъяти»га 2014 йил учун обуна бошланди.

Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмиёлаштирилади.

Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўқонлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлашингиз мумкин. Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

Анжуман газетангиз!



Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улугламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак.

“Юксак маънавият — енгилмас куч”.

АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИ

Бошланғич биринчи саноқда.

Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор ва адабиётимизнинг бошқа фидойи устозлари нафас олган ҳаволардан баҳраманд бўлмоқчи, табаррук қадамлар теккан мўтабар богда кезмоқ, улуглар руҳини шод этмоқ ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган эллик нафардан ортиқ ёшлар ана шундай шарафга муяссар бўлдилар.

Семинарда бадий ижоднинг барча жанрлари, назм, наср, драматургия, болалар адабиёти, бадий публицистика ва бадий таржима каби жами олти йўналиш бўйича машғулотлар ўтказилди. Уларни таникли шоирлар ва адиблар, драматурглар, таржимонлар, публицистлар, бир сўз билан айтганда, тажрибали ва нуфузли ижодкорлар олиб борди. Машғулотларнинг қизгин ва кўтаринки руҳда ўтгани, ёш ижодкорларнинг машғулотларга талабчанлиги ҳис этиб, масъулият билан ёндашганлари барчада мамнулик туйғусини уйғотди. Шўбаларда қизиқарли баҳслар, таҳлиллар, маҳорат дарслари давом этди.

Фаол қатнашган ёшлар, анжуман завқидан дарҳол кўлларига қалам олиб, шеърлар ёздилар, ҳатто анжуман охирида ёзганларини кўшиқ қилиб куйлаб ҳам бердилар.

Анжуманда, хоҳ аслият бўлсин, хоҳ таржима, ижодкорлар машқларида асосан, бадий маҳорат, сўз устида ишлаш муаммолари ва мутолаа масалалари кун тартибига қўйилди. Маълумки, бадийят ҳар қандай асарнинг энг зарур ўзаги ҳисобланади. Муаллифнинг гоёвий ниятини ифода этишда, асар қаҳрамонларини жонли характерга айлантира олишда, ҳаётни ҳаққоний тасвирлашда ёзувчи бадийят кўл келади. Унинг сирлари жуда нозик, ёш ижодкор уларни узоқ ўқиб ўрганиши лозим, устозларнинг ижод устахонасига назар ташлаши керак.

Сўз устида ишлаш бадийликнинг асосий талабларидан бири. Ижодкорнинг қуроли сўз. Сўз бебаҳо бойлик. Аввало, ижодкор сўзни ҳурмат қилиши лозим, қадрини бандан тутмоғи керак, белпандлик билан ёндашмаслиги зарур. Чинакам ижодкор сўзининг нозик торларини черта олади, бошқача айтсак, сўзни сайратиб юбора олади. Сўзнинг ранг-баранглиги,

товланишлари асарга жон бахш этади, унга руҳ бағишлайди. Сўз устида ишлаш, демек сўзни ўрганишдир, уни меҳр билан асраш, авайлаш деганидир.

Буларнинг бари ижодий жараён қонуниятидан келиб чиқадиган юксак бадийят талабларидир. Адабиёт майдонига қадам қўяётган ҳар бир ижодкор бу талабларни асло четлаб ўтмайди. Бадийлик санъатини, маҳорат сирларини эгаллаш, сўз устида ишлашни ўрганишнинг бирдан бир йўли теран мутолаа, китоб ўқишдан иборат.

Ижод қилиш фақат ёзиш эмас, балки узлуксиз китоб ўқиш ҳам деганидир. Ёш ижодкорлар ўзбек адабиёти, жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан хабардор бўлишлари, ижод сирларини кунт билан ўрганишлари лозим. Бари, шубҳасиз, унга ижод жараёнида катта кўмак беради.

“Истеъдод мактаби” семинари ҳар гал Ватанимиз ёшлари орасидан янги-янги талант эгалларини кашф этиб бераётгани барчамиз учун қувонарли ҳодиса. Жўшқин ва кўтаринки кайфиятда ўтган ушбу бешинчи анжуман ҳам мамлакатимизда чинакам ижодга меҳр қўйган, ўзларининг илк изла-

нишлари билан умид уйғота оладиган ёш ижодкорлар кўплигини яна бир бор намоиш этди. Гулмира Полвонова, Жамол Қўзибоев, Зилола Ғайбуллаева, Нодира Жўраева, Мавжуда Ражабова, Кумар Бегниёзова, Сирождин Адашев, Зебо Худойбердиева, Абдурахим Абдиев, Камола Саломова каби ёш ижодкорларнинг алоҳида таъкидлаш мумкин.

Халқимиз талантларга бой, уларнинг биронтаси ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Биргина семинар билан барча истеъдодларни қамраб олиш мушкуллиги аён. Шу сабабдан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси келгусида ҳар йили жойларда “Истеъдод мактаби”нинг бешта ҳудудий семинарини, яқиний республика анжуманини эса пойтахтда ўтказишни режалаштирмоқда.

Истиқболли ёшларимиз “Истеъдод мактаби”да ўқиб ўрганиб, тобланиб, келажакда адабиётимиз уммонига шарқироқ сойлар, тошқин дарёлар бўлиб куйилади, дея умид қиламиз.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси,
Халқ ёзувчиси

Сирождин АДАШЕВ



ВАТАН

Кафтини ажнлар босган кўл кўрдим,
Нур у — офтобларга тўлган йўл кўрдим,
Олдинда кўёшу, ортда дўл кўрдим
Ўша ўзингмисан, сенмисан, ватан?

Сен энг азиз юртсан, қадимийсан энг,
Ёшинг, балки замин ёши билан тенг,
Мўсафид чол кўрдим чопонлари кенг,
Ўша ўзингмисан, сенмисан, ватан?

Бир йигит кўрдим-ки, жасур ва ботир,
Ҳар қандай савобга, ҳар ишга қодир,
Очққаб, оташдил, меҳмондўст, моҳир,
Ўша ўзингмисан, сенмисан, ватан?

Гулзорларинг сўлим, боғларинг сўлим,
Сен ила чамбарчас эрур қалб — кўрим.
Бир гўзал киз кўрдим, сочин қирқ ўрим,
Ўша ўзингмисан, сенмисан, ватан?

Остона ҳам ватан юраги борга,
Дунё тор туюлар юраги торга,
Кўзим тушди мунис оназорга,
Ўша ўзингмисан, сенмисан, ватан?

Ватан деб биламан азиз онамин,
Ватан деб биламан азиз отамин,
Минбарда учратдим улуг одамни,
Ўша ўзингмисан, сенмисан, ватан?

Шарқироқ сой кўрдим ер қуррасида,
Ярқироқ ой кўрдим ер қуррасида.
Жаннатдек жой кўрдим ер қуррасида,
Ўша ўзингмисан, сенмисан, ватан?

ОТА

Айни авжга чиққан эди тун,
Ёғоч эшик очилди аста.
Ишдан ҳориб келди-да отам,
Сўнг уйкуга кетди бирпасла.

Кўзларига қарабоқ билдим,
Кун билан тинмай ишладди.
Болам дея, онам дея,
Асло тиним билмай ишладди.

Чарқоқларинг енгмоқлик учун,
Унча кўпмас бироз ухладди.
Шу орада қаро, зулмат тун,
Лашкарларинг олиб жўнади.

Тонг ҳам ота бошлади тезда,
Аста хона томон юраман.
Яна бироз дам олинг ота,
Кўшни беркитиб тураман.

Мавжуда РАЖАБОВА

МЕНИНГ КУТУБХОНАМ

Китоб ҳақида кўп ва хўп айтилган бўлса-да, шароит тақозоси, истиқлол шарофати ва маънавий эҳтиёж туфайли яна шу мавзуда фикр юритишни жоиз деб топдим. Чунки бугунги кунда ўз она тилимизда ёзилган асарлар салмоғининг ортиши, ўзбек тилига таржима қилинаётган жаҳон адабиёти дурдоналарининг тобора кўпайиб бориши, мумтоз меросимиз жаҳоирларининг қайта нашр этилиши мамлакатимизда маънавиятга бўлган эътибор нақадар юксак эканлигидан далолат.

Таъкидлаш жоизки, Американинг машҳур иқтисодчиларидан бири, файласуф Жим Рон ўзининг “Ақл витаминлари” китобини шундай деб ёзган экан: “Сиздан кейин уч нарсани қилиши керак: суратингиз, кундалигингиз ва кутубхонангиз. Булар сиз қолдирган меҳнатлардан ҳам қимматли эканлигига шубҳа йўқ!”. Дарвоқе, сиз шахсий кутубхонангизни яратиш орқали нафақат ўзингизнинг маънавий оламнингизни бойитасиз, балки келажак авлодларингизга ҳам бебаҳо бойлик қолдириб кетасиз. Бу қанчалик шарафли ва хайрли иш эканлигини тасаввур қилиш унчалик қийин эмас. Шунингдек, шахсий кутубхона ташкил этиш ҳам биз ўйлаганчалик мушкул эмас. Ҳозир бозордаги китобларнинг ўртача нархи 6000-7000 сўмни ташкил қилади. Ишлайдиган ёки ўқийдиган одам учун бу катта маблағ эмас ва биз бир ойда камиди 5-6 та китоб харид қила олишимиз мумкин. Шахсан ўзим ҳар ой стипендиямдан 40-50 минг сўмга китоб харид қиламан. Бу албатта, китобнинг ҳажми ва савиясига ҳам боғлиқ. Мен одатда, китоб танлаётганда ҳам унинг

ялтироқ муқовасига эмас, мавзуси ва мазмун-мундарижасига эътибор бераман. Зеро, бемаза қовунининг уруғи кўп бўлади, деганларидек, афсуслар бўлсинки, бугунги кунда “китоб санояти”дан бойиб кетишни ният қилганларнинг “оригинал” маҳсулотлари ҳам талайгина. Танқид қилиш ниятидан йироқман, бу китоблар бир қанча вақт ўтгандан сўнг ўзининг муносиб ўрнини, яъни, қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хомашё ва зифасини ўташ орқали топади. Бу ҳодиса “вахима қилиши”га арзимайдигандек туюлиши мумкин, лекин бир нарсани унутмайлик: сўз масъулияти — ҳаёт-мамонт масаласидир. Биргина китоб эса бутун бошли миллатни жаҳонга танитиши мумкин. Бир сўз билан айтганда бўлсак, шундай китоб харид қилингки, у сизни яхши томонга ўзгартира олсин. Шунчаки биринчи китобни харид қилинг ва уни эринмай ўқиб чиқинг. Шунда биласиз китоб сехрини. Шунда англайсиз сўз масъулиятини. Ана шундан кейин иккинчи, учинчи... ўининчи китобни харид қиласиз. Қараб-сизки, китоблар шодаси... Энди сизнинг ҳам мўъжазгина кутубхонангиз бор.

Кутубхонамдаги ҳамма китобларни ўқиб чиқмаганман. Лекин менда вақт топиб, уларни ўқиш истаги бор. Муҳими, шу. Истақ бўлса, инсон кўп ишга қодир. Ҳазинамга ҳар гал қараганимда, бир муддат термулиб қоламан. Қараганим сайин, маънавий озиқа олаётгандек бўламан.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидламоқчиман: бу ёруғ дунёда китобдан яхши дўст йўқ. Шундай экан, келинг, дўстларимиз сафини кенгайтирайлик ва уларнинг шарофати ила камол топайлик!

Муллоҳаза

Шоҳсанам ҚАЮМОВА

АБАДИЯТГА МУҲРЛАНГАН СЎЗ

Дақиқалар ўтди тинмай,
Эски стул ожиз инграйди.
Ватан учун битта муносиб
Шеър ёзолмай кўлим титрайди.

Қандай шоир одамман, ўзи,
Сўзлар камми ёзмасам, ахир?!
Муҳаббатни куйладим ёниб
Туйғуларга тушганча асир.



Шеърин сочдим кўринган жонга,
Хурсанд қилиб дўст-биродарини.
Мени одам қилган маконга
Бахш этолмай битта асарини!

Қандай шоир одамман ўзи,
Наҳот сохта сўзларга чолдим.
Бугун менинг юрагим эзган —
Саволимнинг жавобин топдим.

Ишқ, муҳаббат, садоқат, дийдор,
Яна дўстлик, шодлик мавзуси...
Негизда Ватан сўзи бор,
Булар бари Ватан туйғуси!

Абадиятга муҳрланган сўз —
Ватан боқий, Ватан ўлмайди.
Қасидалар битаман, аммо
Ватан мадҳи адо бўлмайди.

АҲД

Менга шиддат, олов жон керак,
Жимжит яшаб ўтмоқдан толдим.
Икки сатр шеъримдан бўлак
Ватанимга нима беролдим?

Виждонимни сўроқлар зимдан,
Вақтдан кўзим олиб қочаман.
Бегоналар кетдим ўзимдан,
Мен ўзимга қачон кўчаман?

Балки кутар бунда жасорат,
Фақат қатъий қарор бўлса, бас.
Корингга мен арайин, фақат —
Балацпарвоз гап айтиб эмас!

О. ХЕНРИ

КУЛГИЛИ ХАТОЛИК

Анча йил илгарии, англиялик жаноб Жонсон Германиядаги меҳмонхонада яшар эди. У одатда, ҳар кун кичкина кафеда тушлик қиларди. Ҳар доим стол ёнига бориши билан бир германиялик унга “Малсаит” деб туриб яна ўрнига ўтирар, англиялик эса унга “Жонсон” деб жавоб қайтарар эди.

Бир кун жаноб Жонсон англиялик ўртоғи билан телефонда гаплашиб қолди: — Германияликларнинг жуда галати урф-одатлари бор экан, — деди жаноб Жонсон таажубга тушиб. — Мен ҳар доим тушлик-

ка борганимда, овқатланаётган бир германиялик ўрнидан туриб менга исмини айтади. — Бу мен учун ҳам галати туюлди, — жавоб қайтарди унга. — Қизиқ, у сenga нима деб айтади? — У менга ҳар гал ўз исмини “Малсаит” деб таништиради... Жонсоннинг ўртоғи бирдан кулиб юборди... — “Малсаит”... бу унинг исми эмас, бу немисларда “Ўқимли иш-



таҳа” деган маънони англатади. У сenga ёқимли иштаҳа тилаган, — дея тушунтирди дўстига...

Эртаси кун жаноб Жонсон кафега кирганида германияликка жилмайди-да, “Малсаит” деди. Германиялик эса унга “Жонсон” дея жавоб қайтариб ўрнига ўтирди.

Инглиз тилидан
Мадина БАХШИЛЛОВЕВА
таржимаси.

Махсуда ЖўРАҚУЛОВА

ҚИЗГАЛДОҚЛАР ШИВИРИ

Шеър ўқидим ёниб, ёндириб,
Олов сўзлар кўчди тилимга.
Олқишларда ортда ишончим,
Мен Ватанга кераклигимга.

Тиним билмай едим, югурдим,
Орзуларга боғладим қанот.
Ҳар чўққига ўзимни урдим,
Ишонтирди ўзига ҳаёт.

Олислардан сям қоқар онам:
“Болам жуда бўлдинг тошбағир”.
“Сабр қилинг бироз, онажон,
Мен Ватанга керакман, ахир”.



Орта қараш оғзининг иши,
Олдаги йўл оғриқли бўлди.
Менинг кўлим эмас томондан
Турналарнинг овози келди.

Тушларимга кирди қишлоғим,
Билдим меҳри бўлакчилигини.
Қизгалдоқлар шивирлаб кўйдди,
Ватан менга кераклигини.

Кўзларинг нур сочсаю мангу,
“Кут” десанг, мен мияг йиллар кутсам.
Сен ёнимда қолиб кетсанг-у,
Кўзларингга термулиб ўтсам.

Сени олиб кетса йўллар жим,
Қасам ичсанг қайтиб келишга.
Сени мажбур қилиб кўярдим
Бутун умр бахтли бўлишга.

Сенсиз қалбим қолади тўлмай,
У тўлдиранг тўртта томонни.
Нега севмай, айт, нега севмай
Кўзингданги Ўзбекистони?

Жавзо... Эрталабдан касалхона дарвозаси олдидаги дарахтда кунушиб ўтирган иккита мусичага термулиб турар экан, Ихтиёрнинг миясида бир фикр тинмай гужгон ўйнади.

— Нима қилсам экан-а, — ўзига-ўзи шивирлай бошлади у. — Ойимнинг аҳволлари кундан-кунга ёмонлашаёпти. Докторлар эса мени ёш бола кўриб, аниқ бир гапни айтишмайди. Йўқ, бугун кўймайман! Шу бугуноқ доктордан аниқ натижани сўрайман!

Юзлари чўзинчокроқ, қорачадан келган йигитча шундай хаёллар ичида тураркан, дарвозанинг ўнг томонидаги автомобиллар турадиган жойда унга жуда таниш бўлган докторнинг машинаси тўхтади. Ихтиёр тура солиб, унинг ёнига югурди.

— Доктор, илтимос қиламан, бир дақиқага тўхтанг!
— Вақтим йўқ, укажон, мажлис бор.

— Лекин мени эшитишингиз керак! Ихтиёрнинг бу сўзлари одатдагидан кўра баландроқ чиқди. Доктор Файзуллаев бу каби ҳолатларни кўп кўрган бўлса-да, ёш боланинг бундай қатъияти уни ҳайрон қолдирди.

Талъат ҲАЛИМОВ

— Бир ярим дақиқа вақтинг бор.
Тез гапир!
— Ойим... ойим учун нима қилай?

— Ҳеч нима, биз ўзимиз ҳаммасини қилаймиз.

— Йўқ, доктор аҳволлари ёмонлашаётганини билиб турибман, илтимос, тўғриси айтинг! Ахир, ёш бола эмасман, ўн олти ёшдаман. Тўққизинчи ниятдагидан яқинда!

— Бўпти, соат ўнбирда жарроҳлик бўлими олдидаги ўринда кўришамиз. Сenga имкон қадар тушунтиришга ҳаракат

қиламан. Энди кўйворасанми?

— Ҳа... Ихтиёр докторнинг олдида икки қадам чекинди. Доктор эса гавдасига муносиб шахдам қадамлар билан касалхона ичкарисига кириб кетди.

— Раҳмат! Ихтиёр шундай деганча, югуриб бориб жарроҳлик бўлими олдидаги ўринда кўйворди. Бироздан сўнг

ШАФҲОҲ

эрталабки йиғилишдан чиққан шифокорлар унинг олдида ўта бошлади. Файзуллаев ҳам ўтиб кетар экан, кўли билан ўн бирга ишора қилдию кўзини қисиб қўйди.

Доктор оdatи бўйича ҳамма беморларининг олдига кириб, улар билан бир-икки оғиз гаплашиб чиқди. Кейин эса Ихтиёрнинг онаси олдида ўтиб жилмайди.



Бу воқеа оиламиз билан Америкага кўчиб борганимизда содир бўлганди. Уша вақтда катта ўғлим Чолсу 3-синфда ўқир эди. Ўз тенгдошлари билан қунаб ўйнаб юрганида, кўчиб кетдик. Нотаниш жойдаги мактабдошлари унга бегонасираб қарарди. Бунинг устига,

тилни билмагани учун мулоқотга кириша олмагани туфайли совуқлик билан бошланган мактаб ҳаёти унга умуман ёқмасди. Олти ойларгача ўғлим танаффусда ҳам ёлғиз, яқка ўзи қолган пайтларда расм чизарди. Шундай қилиб, ўқувчилар орасида у билан ҳатто бир оғиз гаплашадиган, самимий дўст йўқ эди. Мактабдаги ўқувчилар орасида фақатгина у ёлғиз эди. Унга ёрдам беришни, бу хувиллаган муҳитдан чиқариб олишни хоҳлардим.

Пак Ин Сук

БОЛАКАЙ ВА КУМУШ ТАНГА

Вақт ўтган сайин Чолсу инглиз тилини ўргана бошлади. Қўлларнинг бирида синфдошлари орасидан бир қора танли бола унинг олдида келди ва унга ғалати қараш қилиб илжайди. Бу ҳол ҳар қуни такрорланаверади. Бошида Чолсу умуман эътибор бермайди. Аммо ҳар қуни ўша болакай Чолсунинг олдида келиб, тушунарсиз қулиши унинг гашини келтира бошлади. Болакай нимадир демоқчи бўлиб, бармоқларини тинимсиз қисирлатиб, бир нимадан қўрққандек ҳадиксиз туради. Унинг бу ҳолатини тушунмаган Чолсу сабабини сўраганида ҳеч бир жавоб ололмади, фақатгина доимидек илжайишнинг гувоҳи бўлади, ҳолос.

— Ҳой сен, нега менга қараб қулсан, сабаби бордир?

Чолсу менинг устимдан куляпти, деб ўйлаб роса жаҳли чиқади, ғазабдан уни итариб юборади. Бунинг оқибатида болакай йиқилиб тушди ва йиғлаб юборади. Буни эшитган ўқувчилар уларнинг иккаласини ҳам хонасига олиб кириб кетади.

Уйда чой тайёрлаётганим, ўғлимнинг ўқувчиси фарзандингиз бир болани урибди, дея телефон қилгани учун мактаб томон шошилдим. Ҳўнага киришим билан ўғлим на йиллашни, на қулишни билмай олдимга чолиб келди. Уни тинчлантириганимдан сўнг аслида нима бўлганини сўрадим.

— Нима бўлди, нега уни урдинг?
— Урганим йўқ. Бу бола ҳар қуни қўлини мушт қилиб менга қараб масҳара қилгандек илжайди. Шунинг учун жаҳлим чиққанидан уни итариб юбордим.

Менинг ҳам жаҳлим чиқиб, асабийлашдим. Шу пайт ёнимда ўтирган қора танли боланинг отаси гапирди. У боласининг бошқа болаларга қараганда ақли расо эмаслигини айтди. Бу бола аввал махсус мактабга қатнаган ва биз Америкага кўчиб келишимиздан икки ой олдин шу мактабга келган экан. У ҳам ўқувчилар билан киришиб кета олмагани учун ёлғиз юраркан. Шундай қўлларнинг бирида Чолсу ҳам шу мактабга келди ва унинг болалар билан дўстлашиб кета олмаётганини кўриб, ўша болакай Чолсу билан дўстлашмоқчи бўлибди. У авайлаб асраб юрган бир дона кумуш тангани Чолсуга бериб, дўстлашайлик, дея айтмоқчи бўлар, аммо кўрққани учун ҳеч нарса дея олмас экан. Мен ҳақиқатни билмай туриб жаҳл қилганимдан уялдим. Энди бўлса ўша болакайнинг самимий дўстлик туйғусини ўғлимга билдиришни хоҳлардим. Қўлини мушт қилиб турган ўша болакайнинг қўлини ўғлимнинг қафтига қўйдим. Болакай қаттиқ ушлаб олган бармоқларини очди ва дунёдаги энг чиройли танга Чолсунинг қафтида ялтираб турарди.

Корейс тилидан
Малоҳат ҒАҒОРОВА
таржимаси.

Нодира Жўраева



ЎЗБЕКИСТОН

Ҳар тонг салом ила кўз очар қуёш,
Ҳар қуни фахр-ла бахтдан бошлайман.
Соғинсам эркалаб лолаларингни,
Сенинг бағрингда ҳам қумсаб яшайман.

Онам алласидан излайман сени,
Хуснингни юракка гуддан чизарман.
Лекин мен шоирман, сенинг шоиринг,
Мен фақат сен учун шеърлар ёзарман.

Момолар қўллари дуода ҳар он,
Боболар тилда бахтдан шукрона.
Ҳар қун илдирлашиб, ёнингда йўлдош,
Болаларинг учун бахтласан она.

Мен эса бахтлиман самолар қалар,
Қуш бўлиб қўқларга учиб кетарман.
Сенинг бағрингда ҳам сени соғиниб,
Фақат сенинг мадҳинг ёзиб ўтарман.

Уйга кўп меҳмон келди. Улар юзимдан ўпиб, чиройли ўйинчоқлар туққазиди. Дадамнинг айтишича, бугун мен туғилган кун экан. Олти ёшга тўлибман. Ўзим бежабарману, бошқалар билан кўришди. Қизиқ, Лекин менга бу жуда ёқди. Қани ҳар қуни туғилсанг, ҳар қуниг шундай бўлса! Хамма сени яхши кўрса, совға берса...

Мана, эшикдан узун мўйловли, кўзлари косасидан чиқиб кетай деб турган, белини маҳкам бойлаб, ғалати кийинган меҳмон кириб келди. У ҳеч ким билан саломлашма-



Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОН

ди, ҳол-аҳвол сўрамади, ҳатто мени табриқламасдан тўғри дастурхондаги неъматлардан бесўроқ ея бошлади. Қоринни тўйдириб, хайрлашмасдан жуфтаник ростлаётганида сездирмай изидан эргашдим. "Нотаниш" югура-югура, бир горнинг ёнида тўхтади. Кимдир пойлаб тургани йўқми, деган ҳадик билан у ён, бу ёнига қаради. Жимжитлик. Форда уни олтига баҳайбат аскар текшириб, нималарнидир сўради ва озгина кутиш кераклигини айтди. Фурсатдан фойдаланиб, ичкарини томоша қилдим. Чорраҳалар кўп, икки чироқли светофорлар йўлларда тўғри ҳаракатлангани таъминларди. Аммо юқорилаб борган сари чироқлар камайиб, қоронғилик атрофини чулғай бошлади. Девордаги "қишки манзилгоҳ" деган ёзувини кўриб, изимга қайтаётсам юзлаб хоналарнинг айнан биттасига кўпчилик озиқ-овқат ташибётган экан. Булар нега дастурхон безатаятир, қандайдир байрам бўлармикан, ё менинг туғилган кунимни нишонлашмоқчимми, — деган хаёлда хонага кирсам, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган катта озиқ-овқат омбори экан. Қўйил, дедим беихтиёр. Шунча

кирдим. Одатдагидек олиб келинган нарсалар омборхонага қўйилди. Шу пайт даҳлизда севишганлар пайдо бўлди. Улар югуриб, ташқарига чиқиб, кенг осмонда парвоз айлашди. Ширин дийдор, ҳаяжонли лаҳзалар... Романтика. Эртақлардаги шаҳзода ва маликани кўз олдимга келтириб, сархуш турганимда аччиқ чинқирқ юзимга урилган тарсакидек, сергак тортирди. Қарасам, йигит йиқилиб, жон берибди. Фарёд уриб, юзларини тимдалаётган севишлисини эса бошқалар овутиб, ичкарига киритишди. Айтишларича, ақинда у она бўлармиш. Трагедия. Отасиз фарзанд тақдирини қандай кечаркин...

Кўёш тушмаслиги сабаб фор ичи совуқ эди. Бир нечтаси келиб ўз нафаслари билан хонани иситди ва "хоним" дея халиги бева аёлга хизмат қила бошлади. Бу ерда аёллар ҳукмдор ҳисобланиб, учта малика ҳокимиятини бошқарарди. Қўл остидагиларга нима қилиш(ғорни қўриқлаш, хоналарни тозалаш, болаларга қараш, ризку насиба топиш)ни тақсимлаб беради. Шу пайт уйимга келган "меҳмон" тахт қаршисида тиз чўкиб, маликага зўр даромад

топганлигини баён қилди. Малика унинг ихтиёрига минг аскар берди. Мингбоши хурсанд, йўлга отланди. Хайрон қолдим, ҳатто кўрқдим ҳам. Ахир, улар бизнинг ўй томонга боришарди. Худди аввалгидек, эшикни тақиллатмасдан бесўроқ кириб, дастурхондан нималарнидир кидиришди. Афсуски, ҳеч нарса йўқ эди. Меҳмонлар аллақачон кетишган, ҳамма нарса йиғиштирилганди. Буни кўриб, аскарлар меҳмон танишимни дўппослашди ва судраб орқасига қайтишди. Уни тўғри маликанинг хузурига олиб бориб "Бизни алдабди", деди бараварига. Маликанинг жаҳл билан қоллари чимрилиб, "Ўлдиринг" деб амр қилди.

— Ўғлингизга шафқат қилмайсизми, она? — сўради ёнидаги аскар.
— Йўқ, мен учун ҳақиқат ўғлимдан азиз. Биласизки, фарзандларим кўп, ҳақиқат эса битта.
— Мен ҳақиқатни айтганим, — йилларда айбдор, — аммо вақт уни йўққа чиқарди.
— Ўткинчи нарсалар ҳақиқат эмас! Ҳақиқат абадий ва топиш қийин бўлган нарса, ёлғоннинг эси умри қисқа.
Сўнг малика аскарларга юзланди: — У ўз вазифасини сўстемлом қилди. Шунчагизнинг қадри вақтингизни ўғирлади. Сиз ана шу вақтда улғушлар қилардингиз. Унга шафқат йўқ, ўлим! Токи бу бошқаларга ибрат бўлсин!
Уни қатл этгани олиб кетишди. Қайси гуноҳи учун бундай жазоланганини тушунолмадим. У-ку ёлғон гапиргани йўқ. Лекин наҳот ёлғон учун жазо лозим? Нима бўлганда ҳам, бечоранинг ёш умрига ачиндим. Кимдир буаётгандек, қисди.
— Қизим, жон қизим, сенга нима бўлди? — таниш овоз эшитилди, ёқимли қўл сочларимни силади. Ёшланган кўзларимни ишқалаб, ўрнимдан ириб турдим.
— Ғалати туш кўрибман, ойи.

— Жуда қайсар ва ажойиб ўғлингиз бор-да! У мен билан соат ўн бирда гаплашиб олмақчи.

Онанинг қўллари катта очилди. Кенгайиб кетган қорачиқлари анчайин оқариб қолган юзларига аллақандай ғалати тус берди. Қуруқлаб қолган лабларини аранг тили билан намлаб олдида, паст овозда сўзлай бошлади.

— Доктор, сиздан илтимос, уни бугунчалик бирор баҳона билан жўнатиб юборинг. Бу аҳволимда унга

— Мана, ваъдага вафо қилиб келдим. Энди сўрайвер сўрайдиганингни.

— Биринчидан, оймимга операция керак деб айтгандингиз, лекин нега операция қилинмади? Иккинчидан, мен оймим учун нимадир бўлса ҳам қила оламанми?

— Биринчидан, оймимда қандли диабет ҳам бор экан, қанд микродори анча юқори. Бундай беморларда жароҳлиқ амалиёти ўтказиш мумкин эмас. Иккинчидан...

Файзуллаев бироз ўйлаиб қолди. Кейин эса сал нарида ҳовузчадан отилаётган фавворага қараб туриб, давом этди:

— Иккинчидан, сен бо

бир иш бор!

Ихтиёр бир ютини олиб, докторнинг юзига тикилди.

— Қанақа иш?

— Биласанми, бизда шаффоф томчи билан тайёрланадиган кукун дори бор. Ойингга фойдаси тегса керак. Аммо унга фақат жуда тоза томчи зарур. Биргина томчининг

ТОМЧИ

кўринишни хохламайман. Илтимос сиздан, у бугун менинг олдимга кирмаслиги керак.

— Ҳўп, ҳаракат қиламан.

Икки соатлардан кейин Файзуллаев йигитчанинг олдида чиқди. У хали ҳам шу ўринда ҳаёл суриб ўтирар, ниманидир интиқ кутаётгани аниқ кўриниб турарди.

Ижод — бу ўзини қийнаш, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидойилик демакдир. Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду ғами билан яшаши, халқ ичига кириб бориши, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини барчамиз яхши биламиз.

“Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор”.

Зилола ҒАЙБУЛЛАЕВА

БОЛАКАЙ ШЕЪР ҲАҚИДА

Юзлариде севинчи порлаб,
Капалакни ўйинга чорлаб,
Атиргулнинг гулчасидий лаб,
Болакай шеър ўқиди.

Орзуларнинг саман отини,
Тойчоқ қилди қуш қанотини,
Бобосига тилайди тиним,
Болакай шеър ўқиди.

Қорбобонинг ўйинчоғидан,
Лолажоннинг қўғирчоғидан,
Болакайнинг азиз чоғидан,
Болакай шеър ўқиди.



Орзу қулди йўлларидан ҳам,
Бувисининг кўзларидан нам,
Суюнчага шошилинган қалам,
Болакай шеър ўқиди.

Йиқилганда суяр истиқбол,
Ватан унга тилар истиқбол,
Дунёдаги зўр нотик мисол,
Болакай шеър ўқиди.

Оладипо КЕИНДЕ

АФРИКА ПОРТРЕТИ

Байроқлар қилпирайди,
Шамолларга офарин.
Қанийди шу байроқдан
Кийим тикилса заррин.

Камалакдек товланиб,
Қалбларни этсиллар забт.
Африка байроқларин,
Донғи кетсин ловуллаб.

Товус янглиг чиройин
Ҳис этсин барча эллар
Миллий мадҳиямиздан
Янграсин банкет заллар.

Истиқдолга эришгач,
Эрур харита маёқ,
Тадқирда ҳурлик бўлса
Шудир эзу иштиёқ.



Қуёшдек кийимларнинг
Оҳори тўқилмасин.
Тундай қора танлининг
Гурури буқилмасин.

Инглиз тилидан
Камола САЛАМОВА таржимаси.

Кумар БЕГНИЯЗОВА

СУРАТ

Кўримсизгина икки қаватли кўрғазмалар залига томошага келганларнинг кети узилмасди. Бошқа пайт таклифга-да кўнмайдиған, иши бошидан ошган зиёлилар қатлами ҳам саройга ўзгача хурсандчилик зўр иштиёқ билан келишарди. Ташкилотчилар эса ҳаяжонда ўзини у ёққа, бу ёққа урар, меҳмонларнинг кўнглини кўтариш, хуш ёкиш учун тиним билишмасди. Шунда синчков зиёлилардан бири:

— Вой, суратмисан сурат-да! — деди қўлини иягига тираганча.

— Бунақасини тунда чироқ ёқиб топиб бўлардимми?

Истеъдоднинг қадрига етиш керак, биродарлар!

Бошқалар эса, “Ҳақ гапни айтдингиз”, дегандек бошларини сарак-сарак қилганча жилмайиб қўйишарди.

Куюнчак журналистлар эса ён дафттарларига шоша-пиша нималарнидир ёзишарди.

— Азизлар, мана бунисига қаранглар энди! Ижодкор хаёлотига тан бермай бўладими?

Бу асар эмас, ҳаётнинг ўзгинаси-ку. Маънони теранроқ изласанг, ҳақиқатни топасан. Ана сизга яратувчилик! Баракалла!

— расомга аталган мақтовлар залда ўзига хос шивир-шивирни юзага келтирганди.

Одамлар қарсақ чалиб, расомни бошқача меҳр муҳаббат билан сийлади. Санъат ва маданият вақиллари сўзга чиқибди. Ҳатто бир шоир расомни юксак истеъдод соҳиби дея олқишлади. Уша кўримсиз бурчакчилган “бетакор” расм қаршисида ёлғиз расом ўзигина қолди.

иримда кўрғазмага қўйгандим...

— Унақа бўлса, — деди у, — ўша бўлғуси расомни кашф этган отага олқишлар бўлсин!

Дув-дув чапалаб ёғилди. Бироздан сўнг одамлар тарқадди. Фақат ўша оппоқ қоғоз юзига чиқилган “бетакор” расм қаршисида ёлғиз расом ўзигина қолди.

Сукунат бир қанча вақт давом этди, ниҳоят кимдир тилга кирди:

— Унақа бўлса, — деди у, — ўша бўлғуси расомни кашф этган отага олқишлар бўлсин!

Дув-дув чапалаб ёғилди. Бироздан сўнг одамлар тарқадди. Фақат ўша оппоқ қоғоз юзига чиқилган “бетакор” расм қаршисида ёлғиз расом ўзигина қолди.

— Ойи...

У энди аста-секин қадам ташлаб, гилдиракли кўнча қаравот устига олинган онасининг танасига яқинлашди.

— Ойижон...

Ихтиёр чойшабини оҳиста кўтарди. Нур тикка тўшиб турган шу ҳолатда онасининг юзлари худди фарштага ўхшарди. Оппоқ ва нулли... Онанинг нима табассуми қотиб қолган юзларига лабларини босиб, кўзларини юмди. Қароқларидан бир неча томчи ёш думалаб тушди. Ихтиёр кўзларини очиб онасининг ўзини тикилди. Она ёноқларидан юзининг маржондек ялтираб турган кўз ёшларига хайрат билан тикилиб қолди. Уларда қуёш акс этмоқда эди...

— Ойи...

У энди аста-секин қадам ташлаб, гилдиракли кўнча қаравот устига олинган онасининг танасига яқинлашди.

— Ойижон...

Ихтиёр чойшабини оҳиста кўтарди. Нур тикка тўшиб турган шу ҳолатда онасининг юзлари худди фарштага ўхшарди. Оппоқ ва нулли... Онанинг нима табассуми қотиб қолган юзларига лабларини босиб, кўзларини юмди. Қароқларидан бир неча томчи ёш думалаб тушди. Ихтиёр кўзларини очиб онасининг ўзини тикилди. Она ёноқларидан юзининг маржондек ялтираб турган кўз ёшларига хайрат билан тикилиб қолди. Уларда қуёш акс этмоқда эди...

— Ойи...

У энди аста-секин қадам ташлаб, гилдиракли кўнча қаравот устига олинган онасининг танасига яқинлашди.

— Ойижон...

Ихтиёр чойшабини оҳиста кўтарди. Нур тикка тўшиб турган шу ҳолатда онасининг юзлари худди фарштага ўхшарди. Оппоқ ва нулли... Онанинг нима табассуми қотиб қолган юзларига лабларини босиб, кўзларини юмди. Қароқларидан бир неча томчи ёш думалаб тушди. Ихтиёр кўзларини очиб онасининг ўзини тикилди. Она ёноқларидан юзининг маржондек ялтираб турган кўз ёшларига хайрат билан тикилиб қолди. Уларда қуёш акс этмоқда эди...

— Ойи...

У энди аста-секин қадам ташлаб, гилдиракли кўнча қаравот устига олинган онасининг танасига яқинлашди.

— Ойижон...

Ихтиёр чойшабини оҳиста кўтарди. Нур тикка тўшиб турган шу ҳолатда онасининг юзлари худди фарштага ўхшарди. Оппоқ ва нулли... Онанинг нима табассуми қотиб қолган юзларига лабларини босиб, кўзларини юмди. Қароқларидан бир неча томчи ёш думалаб тушди. Ихтиёр кўзларини очиб онасининг ўзини тикилди. Она ёноқларидан юзининг маржондек ялтираб турган кўз ёшларига хайрат билан тикилиб қолди. Уларда қуёш акс этмоқда эди...

— Ойи...

У энди аста-секин қадам ташлаб, гилдиракли кўнча қаравот устига олинган онасининг танасига яқинлашди.

— Ойижон...

Ихтиёр чойшабини оҳиста кўтарди. Нур тикка тўшиб турган шу ҳолатда онасининг юзлари худди фарштага ўхшарди. Оппоқ ва нулли... Онанинг нима табассуми қотиб қолган юзларига лабларини босиб, кўзларини юмди. Қароқларидан бир неча томчи ёш думалаб тушди. Ихтиёр кўзларини очиб онасининг ўзини тикилди. Она ёноқларидан юзининг маржондек ялтираб турган кўз ёшларига хайрат билан тикилиб қолди. Уларда қуёш акс этмоқда эди...

— Ойи...

У энди аста-секин қадам ташлаб, гилдиракли кўнча қаравот устига олинган онасининг танасига яқинлашди.

— Ойижон...

Ихтиёр чойшабини оҳиста кўтарди. Нур тикка тўшиб турган шу ҳолатда онасининг юзлари худди фарштага ўхшарди. Оппоқ ва нулли... Онанинг нима табассуми қотиб қолган юзларига лабларини босиб, кўзларини юмди. Қароқларидан бир неча томчи ёш думалаб тушди. Ихтиёр кўзларини очиб онасининг ўзини тикилди. Она ёноқларидан юзининг маржондек ялтираб турган кўз ёшларига хайрат билан тикилиб қолди. Уларда қуёш акс этмоқда эди...

— Ойи...

У энди аста-секин қадам ташлаб, гилдиракли кўнча қаравот устига олинган онасининг танасига яқинлашди.

— Ойижон...

Ихтиёр чойшабини оҳиста кўтарди. Нур тикка тўшиб турган шу ҳолатда онасининг юзлари худди фарштага ўхшарди. Оппоқ ва нулли... Онанинг нима табассуми қотиб қолган юзларига лабларини босиб, кўзларини юмди. Қароқларидан бир неча томчи ёш думалаб тушди. Ихтиёр кўзларини очиб онасининг ўзини тикилди. Она ёноқларидан юзининг маржондек ялтираб турган кўз ёшларига хайрат билан тикилиб қолди. Уларда қуёш акс этмоқда эди...

ҲАҚОЯ

Унинг йиғламсираб айтган бу сўзлари анча баланд, жаранглаб эшитилди. Ёнгинасидан ўтиб кетаётган ёши каттароқ бир аёл унга хайрон бўлиб тикилди.

— Нима гап ўзи, ўғлим, тинчликми?

Ихтиёр ўғирлиб, у томонга қараб турган аёлни кўрди.

— Кечадан бери хуноб бўлиб кетдим. Биргина томчисидан кўёш тўла акс этадиган шаффоф сувни кидиряпман.

— Фақат шуми? Амиртепа томондаги захашага ҳеч борганмисан?

— Бўлмасам-чи, балиқ овига борардик.

— Ўша ердаги кўприк остида саккиз кўзли каттақон чашма борлигини ҳам биларсан?

— Ҳа, ҳа эсладим.

— Ўша чашма суви жуда шаффоф бўлади. Балким бориб кўрарсан.

Ихтиёр ўрнидан сакраб турди. Қўлидаги шиша идишини маҳкам сиққанича велосипедига ўтириб,

тепалик томон олиб кетди. Чашмага қандай етиб келганини ҳам англамади. Йиқила-сурила кўприк остига тушди-да, чашма сувидан қониб-қониб ичди. Кейин эса ховучида сув олиб қуёш нури тушиб турган томонга боши узра селип юборди. Томчиларнинг ҳар бири

Бошланиш биринчи саҳифада.

Бизнинг вақт... Лекин бу ўта умумий рамз бўлиб, у ҳамма нарсага ўзига сиғдирадир. Шейр зарурияти онгда пишиб этилганди; лекин Вақт образи худди бепоён сув сатҳидек эди: мен бир соҳилда турар, иккинчи соҳилини эса кўра олмасдим...". (Каранг: Биография замъасла. Беседы с мастерами узбекский литературы, записанные Александром Наумовым, Т., 1974. 28 — 29-бетлар. Мазкур китобга Ф.Фулмондан ташқари Ойбек, Уйғун, А.Қаҳҳор ва Зулфия билан қилинган суҳбатлар, аниқроғи, уларнинг ўзи ва ижоди ҳақидаги монологлари кирган. Бу мўъжаз китоб XX аср ўзбек адабиётини ўрганишда муҳим манба, дейиш мумкин. Уни тўлиғича ўзбек тилига ўгириш зарур. Зеро, йирик адибларимиз яратган асарларни уларнинг ўз нигоҳи орқали ўрганиш ёқимли).

Иккинчи жиҳат. Яна алломанинг сўзлари: "Бир куни, чала-ярим уйкуз тундан кейин тонгда шаҳар айланисга чикдим, кўчада сайр қилиб юриб, нашриёт эшигига келиб қолибман. Адабий тахририятда икки киши бор эди — муҳаррир дўстларимдан бири ва корректор қиз. Мен беихтиёр саломлашдим, беихтиёр саволга жавоб бердим; қиз менга ёнлаб турарди, мен унинг узун майин киприкларига боқдим. Улар худди тунги капалак қанотидай кўтарилиб-тушарди... Мен яна қарадим: капалак яна қанотларини ёзди. Кўзини пирпиратди... ва мен ушбу оний лаҳзани аранг илғай олдим. Мана сизга мангуликнинг иккинчи чегараси, ибтидоий ибтидои! Айни шу эмасми лаҳзанинг жонли образи... кўз очиб-юмгулик лаҳза? Ва илк калит банд, мени узоқ қийнаган, уни топиш амримаҳол мўъжиза, худди ҳаводан моддий нимарса ҳосил қилишдай туюлган тансиқ банд тўсатдан ўз оёғи билан келди ва худди байрамда отиладиган мушак каби меннинг

тасавури осмонда портлади". Ушбу сўзлар ноёб далиллар бўлиб, уларни шоирдан ёзиб олган А.Наумовдан миннатдор бўлишимиз лозим. Бунда аллома ўзи яратган муаззам шейрнинг кўртаклини онларини, таъбир жоиз бўлса, бадий эмбрионини кўрсатмоқда. Масала эчмининг илмий аниқ калитини бермоқда. Фақат бу калитни шейрнинг дил қулфига солиб, назокат билан бураш қолади, холос.

Шоирнинг тасаввур осмонда портлаган илк бандга назар солсак, кўрамизки, шейр икки ҳодиса қисбидан бошланади: "Фунча очилгунча ўтган фурсатни, Капалак умрига қиёс этгулик...". Юқорида келтирилган суҳ-

Лаҳза учун қўйилган хайкални лаҳзага қўйилган хайкал деб ҳам талқин қилиш мумкин. Лаҳзага хайкал қўйиш уни тўхташга уриниш, ҳеч бўлмаса, шунга илжин демасқидир. Ушбу нуқтада "Вақт" шейри Гётенинг "Фауст" трагедияси билан фикр-ғоя жиҳатидан кесишади. Фаустнинг Мефистофел, иблис билан тузган шартномаси айнан лаҳзага оид эди:

Агар мен бир онни улугулар бўлсам,
"Тўхта, эй соня!" — деб айтсам агар,
Сени тутқунингман майли ўша дам.

Икки ўртадаги кесишув нуктадан маъно чиқариш махсус илмий изла-нишлар мавзусидир. Лекин бир фик-

лаҳзада" дунёга келган ва ўткинчи, чопагон вақтга қўйилган собит хайкаллар эмасми?

Шейрнинг ички оламига янада чуқурроқ киришга имкон берадиган бир ҳолат бор. Бу асар яратилган пайтда ҳокими мутлақ бўлган, шу боис шейрга сукулиб кирган Сталин номи билан боғлиқ.

"Вақт" шейрининг илк нусхасида бу ном икки марта учрайди. Жами ўн беш банд, олтимиш мисрадан иборат шейрнинг дастлаб 7-бандида, сўнг 14-бандида. Кейинги ўринда бир оз ноҳўя ишлатилгандек туюлади: "Хар лаҳза Сталин умридек узун...". Шунинг учун шоир бу ном ўрнига бандга ва шейрга узукка кўз қўйган-

XX аср ўзбек адабиёти

Одатда, банд, жумладан, ушбу банд ҳам нисбий тугал бутунлик бўлиб, ўз архитекtonикаси, тўқилмасига эга. Иккинчи мисрадаги "тирик" сўзи учинчи мисрадаги шаклдоши "тирик" билан учрашади, яна шу мисрадаги "нафасдош" охириги мисрадаги "нафаски"га айланиб, нега мураккаб маъно тармоғини ҳосил қилади. Кейинги нашрларда учинчи мисра тамом ўзгартирилган эса бундай маъно уйғунлигига пугур етади. Натижада сўнгги мисрадаги "нафаски" "хач нафас"га айланиб, нега унинг "маъмуни фазолардан кенг" эканлиги бир қадар ёпиқ қолади. Чунки у ўзидан олдинги мисрадаги таянч маънодан маҳрум бўлган.

Энди илк нусхадаги банднинг бадий фалсафий маъносини чақишга уриниб кўрайлик.

Дамлар бебаҳо, аввал айтилганидек, "Бир оннинг баҳосин улчалоқ учун, Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз", бу маълум. Лекин бу бандда маънонинг янги ўрамини юз кўрсатмоқда. Яъни дамга жон бағишловчи, уни тирилтирувчи биз, яъни инсон. Тирик вақт, оний лаҳза ўтмишининг, ўтиб кетган вақтнинг юз йилга тенг. Юз йил бу ерда кўпликни билдирувчи бир белги холос, уни ўтмиш томон чексизлик қадар қўзиш мумкин. Лекин бу унча муҳим эмас, муҳими — биздан, нафас олаётган вақтимизда кечаётган вақт, ҳозир — лаҳза ўтиб кетган, ўтмишга айланган лак-лак вақтдан беҳад қиммат. Уша ўтмиш вақт ҳозир — лаҳзага тобе. Лекин ҳозир — лаҳза тизгинсиз, чопагон, уни тўхташиб бўлмайди. Шейрда қўйма тарзда айтилганидек, "Нурлар қадами-ла чопагон секунднинг Барини тутолмас айҳаннос овоз". Лекин уни тўхташиб бўлмаса-да, у хар лаҳзада (бежиз у лаҳза эмас) янгила-ниб тураверади ва ҳозир — лаҳза сифатида ҳаммиша ҳукмрон макъда туради: дам шу дамдир, ўзга дамини дам дема. Ўзга дам эса энди

ўтмиш, у ҳамма томонга чексиз йўналган бўшлиқ — фазога сингиб кетади.

Айни шу лаҳзада, банд бошидаги "дам" сўзи ("Бебаҳо дамларнинг...") мутлақо бежиз эмаслиги, бу сўз фақат фурсат, лаҳза ёки вақтни англа-тиб қолмай, нафас, тин маъноларини ҳам англайтиши, шу тўғриси учин-чи ва тўртинчи мисрадаги "нафас-дош" ва "нафас" сўзлари юқоридаги "дам" билан топишиши маълум бўла-ди. Нафасдош, яъни ҳамнафас бир хил ва бир пайтда нафас олувчини англайиб, ҳозир — лаҳзада нафас ола-ётган, яъни барча тирик одамлар қайси бир олаимий нуктада қондош ва қариндошдир. Шунинг учун "Тирик Сталиннинг нафасдошимиз" мисра-сидаги ном деярли аҳамиятга эга эмас. Мисрада таянч сўз-тушунчалар "тирик" ва "нафасдош"дир. Бизга қолса, мисрани "Тирик буюкларнинг нафасдошимиз" тарзида ўзгарти-ши, шейрнинг янги нашрларида ай-нан шундай ёзишни таклиф қилган бўлардик. Бир пайтлар "Тонг, Тош-кент ва Гафур Фулом" ("ЎзАС", 2000 йил 5 май) сарлавҳали мақоламда шейрдаги "совет" сўзини "башар"га алмаштирган ва сўнг дейилган эди: "Бунда мен ҳақиқатта зид бордим ёки тарихийликни бундизм, деб ҳисобла-майман, аксинча, ҳақиқат қарор топ-ди, дейман. Бу каби ўзгартишлар бир қонуният мавжудлигидан дарак беради: таги бақувват, асли бутун шейрлар, улар қандай тизмда ярт-лиган бўлмасин, худди тирик орга-низм каби янги шароитда ҳам яшов-чанлик иқтидорини намойиш этади. Бадий бутунлик шундай мустаҳкам иморат эканки, у жузвий таъмирдан лат емайдигина эмас, ҳатто кучар ҳам экан. Бундай асарлар асл тикланиш замонини кутиб ётар, балки". Бу фикр "Вақт"га ҳам тааллуқли.

Сувон МЕЛИ

(Мавзу таҳлил давомини келгуси сонда ўқийсиз.)

ВАҚТ ФАЛСАФАСИ

Ёхуд сирли ҳодисанинг поэтик талқини

батдан биламизки, аллома ҳодиса-нинг иккинчи соҳилини бежиз изла-маган. Агар қиёсланувчи нукта, мах-раж — лаҳза топишмаса, умуман, "Вақт" шейри учун қиёс принципи етакчи принцип сифатида кашф этил-маса, шейр тугилмаган бўларди. "Қиёсга сиғмас таққос" (Т.Адашбоев) дейилганидек, яли қиёс "Вақт" шей-рининг структур ўхлитлигини таъ-минлайди, унинг бадий-структур қиёсасини тайин этади. Шейрда доминант сўз ва доминант тушунча — лаҳза. Унда қадам-бақадам лаҳза ва унга маънодош сўзлар фурсат, нафас, дам, он, секунд узоқ вақтга (мангулик, чексизлик қадар) бақам-ти қўйилиб, лаҳзанинг кадр-киммати ("Бир оннинг баҳосин улчалоқ учун, Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз") қўйма мисраларда таъкид-лана боради. Поэтик фикр тантана-си охиридан олдинги бандда юз кўрсатади:

Хар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдир лаҳзаларда хул,
Умрдан ўтажак хар лаҳза учун
Қулратил қўл билан қўйилки хайкал.

рни айтиш жоиз. Нега Мефистофел, иблис ўзига ишонган ҳолда бундай шартномага журъат қилади, у инсон, яъни Фауст ҳеч қачон лаҳзани (асли-ятда Der Augenblick) улуғламайди, тўхта, эй соня деб айтмайди, яъни ҳаётдан шу даражада маънавий лаззат топа олишга ишонмайди, шекилли. Дастлаб бунга Фаустнинг реалист санъаткорлиги шундаки, асар охирида унинг Фаусти бундай бахтга (бахтли онга) тўлиқ эришмайди, у фақат инсон қачондир етиши мумкин бўлган бахтли онлар-ни тасаввур қилибгина, яъни насия тариқасида дейди:

Ушал соняни сезиб олдиндан,
Энг олий лаҳзада турибман бу дам.

"Вақт" шейрида эса "Умрдан ўта-жак хар лаҳза учун" хайкал қўйишга даъват этилади. Бу инсонни тиним-сиз ижодга, яратишга, лаҳзани бўйсундиришга ундаш демасқидир. Бинобарин, инсон яратган буюк маънавий обидалар ушбу "энг олий

дек ярашган "замонлар" сўзини қўйиб, асар потенциясидаги асл маънони олтў қайта тиклайди.

7-банддаги учинчи мисра кейин-чалик анча эврилишларга учрайди. Дастлаб мисра "Тирик Сталиннинг нафасдошимиз" бўлган, сўнг уни шоирнинг ўзи "Барҳаёт Лениннинг авлодларимиз" дея ўзгартирган. Истиқлол даврида чоп этилган "Тан-ланган асарлар"да (2003) мисра "Ўзбекининг барҳаёт авлодларимиз" шаклини олган. Шоир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан босилган, "Вақт" шейри ўрин олган буклетда мисра "Барҳаёт Навоий авлодларимиз" тарзида беририлган. Дикқат қилинса, кейин-ги ўзгартиришларда муаллиф изидан борилган. Лекин, бизнингча, бу ўринларда илк нусхада мавжуд бўлган ва шейрнинг маъно-мазмун меҳваридан мустаҳкам жой олган бир маъно қурбон қилинган. Буни англаш учун бандни тўлиқ келтирамиз:

Бебаҳо дамларнинг тирик жонни биз,
Хар он ўтмишининг юз йилга тенг,
Тирик Сталиннинг нафасдошимиз,
Нафаски, мазмуни фазолардан кенг.

Мустақиллик маънавий ҳаётимизнинг барча жабҳа-ларига янгича мазмун олаб кирди. Чунинчи, ўзликни англаш борасида кенг имкониятлар яратди. Халқимиз тарихини ҳаққоний ёритишда фойдий олимларимизни ижодий руҳлантирди. Улар ўзбек халқининг келиб чиқиши, этник тарихи ва хусусиятларини ёритган асарлари билан тарихни жонлантириш баробарида, ёш авлод қалбига миллий вурур ва ифтихор руҳини уйғотишга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Бу борада таниқли олимлар Б.Аҳмедов, А.Аскарлов, К.Шониёзов, И.Жабборов, Қ.Маҳмудов, Н.Раҳмонов, У.Носировнинг тадқиқотлари халқимизнинг этник қиёсасини атрофлича ёритиб берган муҳим илмий манбалар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Истеъдодли ёзувчи ва драма-тург Анвар Шукуровнинг "Нур устига нур ёғсин..." номли китоби ("CHASHMA PRINT", 2013) юқорида номлари қайд этилган олимлар асарларида баён этилган фикрларни тўлдирди, бой-итиши билан эътирофга молик. Рисолада "ўзбек" атамасининг келиб чиқиши, халқимизнинг этногенези ва этник тарихи, юнон ва туркий ривоятлардаги манба-лар, Геродот асаридаги исмлар этимологияси ва халқ ёзгаки ижодидаги халқлар тарихига оид сўзлар таҳлили ўз ифодаси-ни топган.

Китобнинг биринчи боби "ўзбек" атамасининг келиб чиқи-ши мавзусига бағишланган. Хусусан, халқимизнинг қадимги тарихи, "ўзбек" атамасининг пайдо бўлиш даври, "ўзбек" этнонимининг ўзбекхон номи билан боғлиқлиги каби масала-лар хусусида муаллиф ўз қараш-ларини баён қилган. Айтиш жоизки, ушбу масалалар бўйича олимларнинг қарашларида яқдиллик йўқ.

Маълумки, ўзбеклар этник элат сифатида Мовароуннахр, Хоразм, Шарқий Туркистон ва Еттисув ҳудудларида шакллан-ган. Шунингдек, Жанубий Сибир, Олтой, Волга ва Урал дарёси бўйларидан Туркистонга кўчиб ўтган этник қабиаларнинг ҳам ўзбек халқи этногенезида иштироки бўлган. Тарихчи археолог ва антропологларнинг кейинги тадқиқотларида халқи-ми этногенезининг илк даври миллодгача бўлган 4-5 минг йил-ликда бошлангани эътироф этилмоқда.

"Ўзбек" этнонимининг келиб

чиқишини баъзи олимлар ўзбек-хон, бошқалари ўғузхон номла-ри билан боғлашади. Бироқ сўнгги тадқиқотлардан бири — "Ўзбеклар шаҳараси" (2011) китобининг муаллифи профессор У.Носировнинг фикрича, Олтин Ўрда хони ўз фарзандларига

хулосага келади ва "ўғуз" сўзини турли минтақалардаги шак-ли ўзгаришларини фараз қила-ди: "Энди шу таҳлилда Ўзбек сўзидаги "Ўз" ҳам аввал Ўғуз бўлгани мантиқан тўғри. Демак, қадимги Ўғуз+берк, Ўғуз+бўка сўзларидан Ўзбек сўзи келиб чиққан бўлади" (30-бет). Албатта, илм аҳлининг муаллиф фикрла-рига қўшилиши ёки қўшилмас-лиги муҳим масала. Биз таъкид-ламоқчи бўлган фикр шуки, муаммога турли хил талқин асосида ёндашиш фойдадан холи эмас.

Рисоланинг иккинчи бобида муаллиф антик манбалар, хусусан, Геродот маълумотлари ор-қали скифлар кимлар экани,

Китобангизни ўқининг

жиҳатларга ҳам таянган. Хусусан, у Геродотнинг Скиф ва унинг ўғиллари ҳақидаги ривоятга би-лан Мирзо Улугбек ва Абулғози Баҳоидирхоннинг турк қавмидаги Аланкува момодан тугилган уч ўғил ҳақидаги афсоналари ўрта-ча, Геродот маълумоти солишти-риш орқали ибтидоий одамзот

Плутарх каби антик давр тарих-чилари фикрлари асосида "сарт" сўзининг этимологияси хусусиятларини ўрганган. Шунга қара, сари, сарваксий, сархас, сарди, саричолон, сарбоз, сар-бадор, саранжом, аксари, акса-рият каби сўзларни изоҳли ва этимологияси жиҳатдан таҳлил қилиб, сартлар ва сарматлар кимлигини аниқлашга уринган. Бизнингча, муаллифнинг туркий халқлар уруғининг келиб чиқи-шини лисоний жиҳатдан этимоло-логияси асосида ўрганиш бир ёқлама хулоса чиқаришга олиб келади. Таҳлилда ҳар бир халқдаги мавжуд уруғ ва қаби-ла тарихини ўрганишда унинг этноним ва этногенези хусуси-ятларига алоҳида эътибор қаратиш керак эди.

Муаллифнинг туркий халқ-ларнинг исми қўйиши тажри-баси ва маданиятига оид қарашлари ҳам эътиборга лойиқ. Унинг ўғузхон давридан шу кун-гача бўлган халқимизнинг ўр-одат ва фазилатларини таран-нум этувчи исмлари хусусидаги мулоҳазалари ҳам ва, ниҳоят, бу исмлар ўзбек халқининг қиёфа-сини белгилловчи хусусиятларга эгаллиги ҳақидаги хулосалари ҳам ўринлидир.

Китобдаги "Спитаменнинг туркийдаги исми", "Зул-Қарнай — балким, Ўғузхондир" каби ма-қолалар ҳам ўқувчи диққатини тортади. Китобнинг баъзи ўринларида меърига етмаган фикр-лар, ортиқча фаразларга, хис-сий тўйғузларга таянилиб айтил-ган мулоҳазалар учрайди. Муал-лиф ижодкор шахс бўлгани учун ҳам талқинда бадий тафаккур маҳсули — образлилик, халқона фикрлар ва қочиримлар кенг ўрин олган. Зеро, китоб бежиз-га "Нур устига нур ёғсин..." дея халқона номланмаган. Нур ёғиб турса, экинлар дуркун ўсади, ҳосил мўл бўлади. Бундай китоблар-нинг нашр этилиши эса халқи-мизнинг мураккаб ва бой тари-хини ўрганишга, унинг этник хусусиятларини бугунги авлодга англаштишга, унда миллий гуру-р-ифтихор тўйғуларини уйғотиши билан бирга, ватанпар-варлик ва миллатпарвар-лик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Дамин ТўРАЕВ,
филология фанлари
доктори, профессор

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

2013 йил, сентябр ойи сонини

"Мен Кортасар ижодини бир ҳушманзара боғга ўжатаман, боғга кирган одам кўнгли тусган мевалардан баҳраманд бўлади... Бинобарин, китобхон

Журналларни варақлаганга

диди, фаросати, билими, маърифатининг қўламини қараб Кортасарни танийди, қабул қилади", деб ёзади Олим Отахон "Кечиккан Кортасар" мақоласида. "Кечиккан"нинг боис, XX аср жаҳон адабиётининг ноёб ҳодисаси — Кортасар ижоди, қолаверса, Лотин Америкаси адабиёти билан хали ўзбек китобхони тўла таниш эмас, адибнинг бор-йўғи еттига ҳикояси ўзбек тилига таржима қилинган, холос. "Жаҳон адабиёти" журналин мана шу бўшлиқни тўлдиршига ҳазм этган кўринади. Журналнинг ушбу сониде Лотин Америкаси адабиётининг бир қатор мумтоз вакиллари ижоди билан танишиш имкони бор. Хусусан, Х.Кортасарнинг "Уйининг тугаши" ва "Бир кам дунё" ҳикоялари (Олим Отахон таржималари), М.А. Астуриаснинг "Сеньор Президент" номли романи (Ортиқбой Абдуллаев таржимаси), П.Неруда шейриятдан намуналар (Рустам Мурсурон таржималари) ва П.Козловнинг "Мактуб" асари (Собир Собит таржимаси) босилган.


"Замонавий поэзияга қўшган катта новаторлик ҳиссаси учун" Нобел мукофотига сазовор бўлган Томас Элиотнинг бир туркум шейри (таржимон Хумоюн) ва адабиётшунос Муҳаммадхон Холбековнинг "Томас Элиот шейрияти" мақоласи америка-лик машхур шоир ҳамда унинг ижоди ҳақида муайян тасаввур беради.

Журналнинг ановънавий "Навоий сабоқлари" рукнида бу гал наъийшунос Қодиржон Эргашевнинг улуғ шоир ижодиётига мансуб "Дахр сўзидин тамаъ узким..." деб бошланадиган газали мазмуни ва ушбу газалининг рус тилига А.Големба таржимаси таҳлили билан танишасиз.

"Устоз таржимонлар бисотидан" рукнида ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи ўзбек тилига ўйрган америкалик машхур адиб Уильям Сарояннинг "Хей, ким бор?" номли драматик ҳикояси берилган.

Журналда доволми тарзда босилаётган Али Афғонийнинг "Оху хонимнинг эри" ва Ф.М.Достоевскийнинг "Иблислар" романларининг кейинги қисмла-рини ушбу сонда ўқийсиз.

Донишманд Конфуцийнинг ҳикматлари (хитой тилидан Севара Алижонова таржимаси), атоқли рус ада-биётшуноси М.Бахтиннинг "Романда замон ва хроно-топ шакллари"(Узоқ Жўрақулов таржимаси) тадқиқо-тининг давоми, америкалик адиб Кристофер Мёр-рил билан ижод ва эътиқод мавзусидаги суҳбат (Со-биржон Ёқубов), шунингдек, "Унитилмас сиймолар" рукнида берилган жаҳон адабиёти, маданияти ва санъатининг П.Мериме, Т.Ҳўаже, О.Ҳужиев, А.Пла-тонов, Л.Син, У.Фолкнер, У.Ҳожибеков сингари намоёндалари ҳақидаги қизиқарли мақолалар ҳам журнал мундарижасини хар жиҳатдан бойитган.



Мамадали Убайдуллаев дутор чалганида қишлоқ аҳли «эриб кетарди». 1923 йили мулла Мамадали онласида дунёга келган Абдуфаттоҳ эса, отасидан ўтганини ё ҳофиз товаси Қомилбой Қурбонов таъсирларида, мумтоз мусиқа ва мумтоз адабиётга меҳр қўйди. У дутору танбур чертишда Зокиржон Тўраевдан, гижжак ва скрипкани Мўминжон Қаримовдан ўрганди. Хонандалиқда Умрзоқ-полвон Сайдалиев ва Беркинбой Файзиев

сабоқ берди. Абдуфаттоҳ дастлаб ижро этган «Аҳд қилдим» (Муқимий газали), «Соғиндим» (Нодира газали), «Сояни» (Муқимий газали), «Сарахбори Оромжон» (Бобур газали) каби ашулалар катта ҳофиз тувилганидан дарак берди. Жўраҳон Сулотов, Абдуллатоф Файзуллаев даврасига тушганида у ҳофиз сифатида шаклланиб, ўз йўли, ижрочилик услубига эга, халқ орасида Фаттоҳхон Мамадалиев деб танилган эди.

БАРДАВОМ НАВОЛАР

Ф.Мамадалиева ҳам овоз, ҳам овозни идора этиш учун зарур бўлган нозик эшитиш ҳисси бор эди. Таниқли мусикашунос Исҳоқ

Ҳажрабов таъкидлаганидек, мақом ва мақом йўлларидаги асарларни ижро этиш учун ҳофизда катта тажриба бўлиши шарт. Чунки мақомда чуқур нафас, паст пардаларда ҳам, юқори пардаларда ҳам бемаъл айта оладиган бақувват ширани овоздан ташқари, кўникматалаб, мураккаб ижро йўлларидаги асарларни айтиш малакаси талаб этилади. Мақом йўлларида ижод этган бастакорларнинг асарларини мусиқа шинавандаларига манзур қилиб этаклаш ижрочига боғлиқ. Шунинг учун бастакорлар аксарият ҳолларда ашулаларини муайян бир ҳофизга атаб, шу ҳофиз айтсин деб яратдилар. Фаттоҳхон ҳофиз ижросида машҳур бўлиб кетган Тўхтасин Жалиловнинг «Жононим менинг» (Файратий газали), Дони Зокирнинг «Эй сабо» (Навоий газали), Қомилжон Жаҳборнинг «Этмасмидим» (Фузулий газали) каби ашулалари шундай хонишлар сирасидан.



Ҳамон ўзбек мумтоз ашулаларининг юксак намуналаридан ҳисобланади.

Яхшилар ёзи

Бастакор Ф.Мамадалиев ижодининг сарнамаси — бу, шубҳасиз, йўналиш. Баъзи мақом йўлларининг турли бастакорлар томонидан ижод этилган шаклларининг ҳаммаси бугун ижро этиб келинмоқда. Масалан, «Шашмақом»даги талқин ва насл шаклида келадиган Ушшоқ, катта ашуладаги Ушшоқ, Ушшоқи Садиҳон, Ушшоқи Ҳожи Абдулазиз, Ушшоқи Тўйчи Ҳофиз (Тошкент Ушшоқи), Қўқон Ушшоқи ва яна Самарқанд Ушшоқи. Шу каби Тошкент — Фарғона мумтоз куй ва ашула йўлларидан «Мискин VI» туркумига Фаттоҳхон Мамадалиев ўз талқинини берди: «Мискин I»га сўз (Муқимий сўзи) ва авж қўшди, яна икки тарона, яъни «Мискин VI» ва «Мискин VII» ни ижод этди. Шунинг ҳам айтиш кераки, асли «Мискин V» бўлиб келган асар Ф.Мамадалиев талқинида «Мискин VI» бўлди. Чунки мақомлар қонуниятига кўра туркум силсиласида аввал оғир, жиддий усул, кейин енгилроқ, ўйноқироқ усулга ўтилади. Асли «Мискин V» бўлган асар соқинома усулида, Ф.Мамадалиев яратган тарона қашқарча усулида. Қашқарча соқиномага нисбатан оғирроқ усул. Устознинг «Мискин V» Мақом ансамбли ижросида магнит тасмаларига ёзиб олинди ва ўзбекистон радиоси хазиналарида сақланмоқда. Шунингдек, Ф.Мамадалиев талқинидаги Ушшоқ туркуми Мақом ансамбли ижросида, Муножот туркуми Тошкент давлат консерваторияси миллий ижрочилик кафедраси талабалари ижросида ёзиб олинган. Яқин ўтмишда Бузрук чолгу йўли оммавий ижро этилмаси ҳам санокли созандалар ёдида бўлган. Ёшлиғида ана шу созандалар ижросини тинглаган, ўрганган Ф.Мамадалиев «Бузрук» чолгу йўлини тиклади ва у мақом ансамблилари томонидан ижро этиб келинмоқда.

Ҳамон ўзбек мумтоз ашулаларининг юксак намуналаридан ҳисобланади.

Устознинг бастакор сифатида яратган ашулалари шакли, ички тузилиши мукамаллиги, мусиқанинг матн билан мазмунан уйғунлиги, мусиқий безаклар — қочирин, авж, нола ва узга жилоларнинг жой-жойида ишлатилиши билан ажралиб туради. Бунга «Фош ўлсин» (Навоий), «Ол хабар» (Муқимий), «Дарду дилим» (Огаҳий), «Улфат билан» (Воҳид Абдулла), «Сенсан ўзинг» (Улфат), «Кетсам агар» (Олимжон Холдор), «Қамолингдан» (Ҳайитбой Азимий) каби ашулалари мисол бўлади. Ф.Мамадалиев сўзга талабчан бастакор эди. Бир йиғинда у ўзи басталаган бир ашулани айтди. Кўпчилик бу ашуланинг сўзлари кимники эканини билолмади.

— Мен яхши шеър шайдоси, гўзал газал гадосиман, — деганди ўшанда устоз. — Атоқли адабиётшунос олим Азизхон Қаюмов

Ҳамон ўзбек мумтоз ашулаларининг юксак намуналаридан ҳисобланади.

Ҳамон ўзбек мумтоз ашулаларининг юксак намуналаридан ҳисобланади.

Театр сахнаси ва кинофилмларда талай роллар ижро этиб, элга танилган ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Бердикулова, ўн йилдирки, Ўзбек миллий академик драма театри сахнасида хизмат қилиб келмоқда. Наманганда ўсиб-улғайган М.Бердикулова санъатга муҳаббати туфайли, Ўзбекистон давлат санъат институтининг «Драматик театр ва кино актёрлиги» бўлимига ўқишга кирди. Бу даргоҳда Юлдуз Ҳамидова, Шойра Ғисова, Аваз Қодиров, Мурод Носиров, Иўлдош Кенжаев каби фаол ижодкорлар билан бирга таҳсил олди.

«Менда санъатга муҳаббат уйғотган, шу йўлдан боришимда яқиндан ёрдам берган илк устозим Абдухалил Мамадалиев бўлади, — дейди актриса талабалик даврлари ва устозларни эслаб. — Институтда таълим олиб, ўз касбини эгаллашганда эса устозларимиз Арсен Исмоилов, Маъмур Умаров, Дилором Қаримова, Маҳмуд Рашидов, Шоҳида Исмоилованинг хизматлари бекиёс».

Актриса иш фаолиятини Ўзбек давлат драма театрида бошлади. Уша пайтда таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев маъзур театрда спектакллар сахналаштирарди. М.Бердикулова шундай режиссёр билан ишлаш бахтига муяссар бўлганини ҳамisha фахр билан эслайди. «Илк ижодини кимлар билан бошлашим жуда катта рол ўйнаган экан, — дейди актриса. — Бунини мен ўз фаолиятимда яқол сездим. Баҳодир Йўлдошевнинг актёрлар билан ишлаши, ишига фидойилиги менга кўп нарсани берди. Қолаверса, атрофимдаги сахнадошларим ҳам мендан ёрдамларини аяш-

мади. Ҳамон ўша дастлабки сабоқларим ижодимда асқотиб келади.»

Драма театри репертуаридаги «Майсаранинг иши», «Паранжи сирлари» каби спектаклларда оммавий сахналарда қатнашиб, тажриба тўплаган актриса қисқа муддат ичда кўплаб спектаклларда асосий ролларни ижро эта бошлади. Унинг катта сахнадаги илк рол «Аршин мол олан» спектаклидаги Осиё образи бўлди. Шундан сўнг «Ҳужжатли аҳмоқ»да роҳиба, «Беш сўмлик келин»да Гулноз, «Маликаи Турандот»да Зелена, «Малика»да роҳиба каби турли характердаги ролларни маҳорат билан ижро этиб, мутахассислар ва мухлислар эътиборини қозонди.

Олти йилдан кўпроқ вақт шу театр сахнасида ижод қилиб, сахна сир-синаотларини чуқур ўрганган М.Бердикулова 2004 йилдан ўз фаолиятини Ўзбек миллий академик драма театрида давом эттирди. Бу даргоҳда Эркин Қомиллов, Саида Рамаева, Раъно Ярашева каби санъаткорлар кўмагида ўз имко-

Ҳаётининг охириги йиллари Уста «Насруллоий» туркуми устида ишлаётган эди.

Ф.Мамадалиев Андижонда ҳаваскорларнинг мақом ансамбли тузида ва унга бошчилик қилди. Бу ансамбл кўплаб хорижий сафарларда бўлди, халқроқ мусиқий анжуманларда қатнашди, халқ ансамбли номини олди. Хуррият Исроилова, Маҳмудхон Йўлдошев, Хуршид Ҳасанов каби таниқли хонандалар ана шу ансамблда Ф.Мамадалиевдан мақом сирлари, мумтоз хонандалик илмининг илк сабоқларини олганлар. Хонанданинг устоз сифатидаги фаолияти ва ташкилотчилик қобилияти Тошкентга йўлга ўтган, янги қирраларини намён этди.

Тошкент давлат филармонияси қошида устоз раҳбарлигида тузилган ўзбек миллий мусиқа ансамбли таркибида Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, Ўзбекистон халқ артисти Марям Сатторова, Ўлмас Оллоберганов, Зухра Олимова каби Ф.Мамадалиевнинг бир қанча шогирдлари бўлган. Устознинг ҳозирги ўзбек миллий мусиқасида мақом ижро даражасини юқори савияда ушлаб туриш, ривожлантириш учун Ю.Ҳажрабий номидаги Мақом ансамблига назира керак, деган фикри эътиборга молик. Республика мақом танловининг мунтазам ўтказилишида, ражабийхонлик илмий-амалий анжуманининг анъанавийлик касб этиши йўлида жонбозлик қилиб келган Фаттоҳхон Мамадалиев консерваторияни миллий хонандалик марказларидан бирига айлантириш, бу санъат даргоҳи имкониятларидан фойдаланиб, мумтоз мусиқамизни юксак поғоналарга кўтариш борасида ҳам фаол меҳнат қилган эди.

Консерватория профессори Ф.Мамадалиев дарс ўтган чоғларда ашиқ ташқарисида ҳам одам жўм бўларди. Улар орасида таниқли санъаткорларни ҳам, хали танилмаган мусиқачи йигит-қизлару зукко шинавандаларни ҳам кўрганман. Улар Фаттоҳхон ака дарсни тугатиб чиққанларида, ўраб олиб саволга тутишар, маслаҳат сўрашарди. Машҳур ҳофиз миллий мусиқий ижрочилик ва ижод масалаларида дарсликларда, китобларда йўқ фойдали, илмий-услубий қарашлари, мусиқий-назарий мулоҳазалари билан ўртоқлашганида, одамлар: «Уста — хазина, айтганларини ёзсалар неча рисола бўлади», дейишарди. Катта ҳофиз ва бастакорнинг «Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари» рисоласи хонанда ва созандалар, мусиқашунослар, миллий мусиқа илосмандлари учун катта совға бўлганди. Устоз рисолашни зарур нота ёзувлари билан боғлаштириш ниятида эди. Бу ишларни бугун устознинг шогирдлари адо этишмоқда.

Зокиржон ОРИПОВ, санъатшунослик фанлари номзоди.

Театр сахнаси ва кинофилмларда талай роллар ижро этиб, элга танилган ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Бердикулова, ўн йилдирки, Ўзбек миллий академик драма театри сахнасида хизмат қилиб келмоқда. Наманганда ўсиб-улғайган М.Бердикулова санъатга муҳаббати туфайли, Ўзбекистон давлат санъат институтининг «Драматик театр ва кино актёрлиги» бўлимига ўқишга кирди. Бу даргоҳда Юлдуз Ҳамидова, Шойра Ғисова, Аваз Қодиров, Мурод Носиров, Иўлдош Кенжаев каби фаол ижодкорлар билан бирга таҳсил олди.

Ҳамон ўзбек мумтоз ашулаларининг юксак намуналаридан ҳисобланади.

Ҳамон ўзбек мумтоз ашулаларининг юксак намуналаридан ҳисобланади.

Ҳамон ўзбек мумтоз ашулаларининг юксак намуналаридан ҳисобланади.

САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ КОШОНАСИ

Бошланғичи биринчи саҳифада.

Авалло, миллий ва замонавий меъморлик анъаналари уйғунлигида бунёд этилган ўқув театри эътиборни жалб этади. Икки юздан ошди томошабинга мўлжалланган саҳна профессионал театрларда фойдаланиладиган барча техник ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда хатто мусиқали спектакллар сахналаштириш учун ҳам шароит яратилган. Шубҳасиз, бундай саҳнада талабалар катта театр руҳини ҳис этишлари аниқ. Маъзур ўқув маскани ва унинг янги ўқув театри билан танишган атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу эътирофини келтириб ўтишнинг айнаи ўрнидир:

ган. У ерда ўрнатилган замонавий техник ускуналарни кўриб хайратланмасликнинг иложи йўқ. Тасвири уч ўлчамда етказиб берувчи «Panasonic» компаниясининг камералари Япониядан

танишган ҳар бир ижодкор қалбида «Қани энди мен ҳам ана шу ёшлар ўрнида бўлиб қолсам», деган орзу туғилиши табиий. Биз талаба бўлган даврда нафақат юртимизда, балки



3 "D" студияда суратга олиш жараёни.

Санъаткор бўлмоққа боғлашганимиз бел, Сенинг санъатингни баҳолайди эл. Маҳорат истасанг, илм истасанг Мана шу сийғоҳ саҳнасига кел.

Ўқув театрида, шунингдек, спектакллар учун зарур бўлган турли анжуманларни тайёрловчи устахоналар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Анжуман иштирокчилари ушбу ижодий устахоналардаги иш жараёни билан яқиндан танишишди. Масалан, ўқув театрининг иккинчи қаватида кўғир-

келтирилган бўлиб, улар ёрдамида суратга олиш жараёнини хатто автоматик равишда ҳам бошқариш мумкин. Шунингдек, кино йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун махсус суратга олиш павильони барпо этилган. Англия, Франция каби мамлакатлардан келтирилган энг замонавий навакатлардан келтирилган энг замонавий навакатлардан келтирилган энг замонавий талабаларга жавоб берувчи «Remington», «Leornado» ёритиш ускуналари ўрнатилган. Бундан ташқари, талабалар «Canon EOS 5D Mark III» каби ўта юқори сифатда тасвирга олувчи фото аппаратлардан фойдаланиши имконига эга.



чоқлар ясайдиган махсус цех мавжуд бўлиб, унда нафақат талабалар, балки мамлакатимиздаги барча кўғирчоқ театрлари учун керакли маҳсулотлар тайёрланади.

Актёрлик санъати, режиссура, операторлик, халқ ижодиёти йўналишларида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган ижодий устахоналар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Институтда ўндан ортик ана шундай ижодий майдонлар барпо этилган бўлиб, таълим йўналишига кўра уларнинг ҳар бири алоҳида техник анжумлар билан жиҳозланган. Жумладан, кино соҳасида таълим олаётган талабалар учун 3 "D" форматдаги филмларни суратга олишга мўлжалланган студия ташкил этил-

Айрим ижодий устахоналарни эса кичик театрларга менгаш мумкин. Масалан, кўғирчоқ театри актёрлари учун мўлжалланган устахонада спектакл намойиш этиш учун зарур шароит мавжуд. Бунга анжуман иштирокчилари бевосита гувоҳ бўлишди. Талабалар халқ эртаклари асосида сахналаштирилган турли спектакллардан лавҳалар ижро этиб, ижодий устахонада яратилган кенг имкониятларни намойиш этдилар.

— Бугун мамлакатимизда санъат соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз, — деди анжуман иштирокчиси, Наманган санъат коллежи директори Тожинисо Юсупова. — Ушбу замонавий ўқув маскани билан

шўролар салтанати пойтахти бўлган Москвадаги машҳур ўқув даргоҳларида ҳам бу каби имкониятлар йўқ эди. Бундай замонавий техник ускуналардан фойдаланиш тушимизга ҳам кирмаган. Мени кўвонтирган яна бир жиҳати шундаки, бизнинг Наманган санъат коллежини битирган ёшлар ҳам бугун ушбу институтнинг актёрли санъати, режиссура, халқ ижодиёти каби йўналишларида таълим олишмоқда. Демак, бизнинг коллежимиз санъат ва маданият йўналишидаги мутахассисларни тайёрлашда ўз хиссасини қўшмоқда. Шу сабабли ҳам ёшлар ўзларига берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, истеъдодларини ҳар жиҳатдан намойиш қилиб, миллий маданиятимиз ва санъатимиз тараққиётига салмоқли хиссаларини қўшишлари лозим. Жумладан, мамлакатимиз театр санъати ривожига бу институт фаолияти ва бу даргоҳда камол топадиган истеъдодли ёшлар муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

Янги ўқув маскани билан танишган одам маданият ва санъат йўналишида таълим олаётган ёшлар учун яратилган имкониятларга ҳавас қилиши турган гап. Санъат ва маданият институти яқин йиллар ичида мамлакатимиздаги етакчи ўқув даргоҳларидан бирига айланишига шубҳа йўқ, Сирасини айтганда, бундай ижодий ва техник имкониятларга эга таълим даргоҳи дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам мавжуд эмас. Бунинг санъат ва маданият институти билан танишган хорижлик мутахассислар ҳам эътироф этишмоқда. Истиқлол шарофати билан маданият ва санъат соҳаси ривожига қаратилаётган эътиборни оқлаш ёшларимиз бурчига айланиши лозим. Умид қиламизки, миллий маданиятимизни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз мевасини беради.

Азиз ИМОМОВ



актриса яратган Тўйбека тимсолида тарбияли, сойишта аёл қиёфаси жонланади. М.Бердикулова ижроси айнан шу жиҳатлари билан кўпчиликда илиқ фикрлар уйғотган.

Актриса ижодининг ўзига хошлиги «Имкон» спектаклидаги Гулнафис, «Огоҳ бўлинг, одамлар»даги Азиза каби қахрамонлар тимсолида яқол намён бўлди. Бу икки қахрамон актрисанинг ҳам салбий, ҳам ижобий ролларни қай даражада ижро эта олиш маҳоратини кўрсатди. Гулнафис образида маданиятни, зиёли аёл сиймосида гавдаланган бўлса, Азиза қиёфасида унга тамомила зид феъл-атвор-

Муяссар Бердикулованинг кино соҳасида олиб бораётган ижоди бир неча йилдан буён кўпчиликнинг назарида эканини таъкидлаш лозим. У экранда илк бор «Кирк тоғоранинг кирк ноғораси» телесериалида ҳамда кино-режиссёр Рустам Саъдиевнинг «Кўларинг маънос» фильмида тамошабин билан юзма-юз бўлган эди. Шундан буён актриса давлат ва хусусий киностудиялар томонидан суратга олинган замонавий филмларнинг аксариятида турли қиёфадаги катта-кичик ролларни ижро этиб келмоқда. Улар орасида «Тубанлик» фильмидаги амма, «Мен бу — мен» да ўғай она, «Ҳижрон»да Маҳфуза, «Уқубат»да Райҳон, «Виждон», «Хўрланганлар» фильмида ва «Жийда гули» сериалида она роллари актрисанинг маҳоратли ижроси туфайли тамошабинлар қалбидан жой олди.

Муяссар Бердикулова, хоҳ кинода, хоҳ театр сахнасида бўлсин, турли ёшдаги ва турфа характердаги қахрамонлар образини тамошабини ишонтириб уйнайди. Бундан ташқари, актриса муайян жанрга мослашиб қолмаган, у комик, драматик, фожий ролларни ҳам бирдек маҳорат билан ижро этиб келяпти. Энг муҳими, Муяссар Бердикулованинг ўз касбига нисбатан улкан муҳаббати борлиги, меҳнатга, ижодга ташналиги. Бу унинг ҳар бир ролида сезилиб туради. У ўрганишдан, изланишдан чарчамайди.

Саҳнада ва кино санъатида йигирма йилдан ортик вақт мобайнида хилма-хил образлар яратиб келаётган актриса мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони билан тақдирланди. Бу рағбат актрисанинг ўзи айтганидек, ижодий қониқишга эмас, ижод масъулиятини янада кучлироқ ҳис қилишга, ўзигани меҳнат орқали намён этишга ва албатта, эътибор, эътирофга янада муносиб бўлишга ундовчи давлат бўлди.

Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА

Эътироф

ИЖОД МАСЪУЛИЯТИНИ ҲИС ЭТИБ...

ниятларини намён қилишга интилди. Ҳозирга қадар Валижон Умаров, Турғун Азизов, Марат Азимов, Мунаввара Абдуллаева, Нодира Маҳмудова каби режиссёрлар сахналаштирган кўплаб спектаклларда турфа қахрамонлар қиёфасини яратиб келмоқда. «Халала»да Руқия, «Имкон»да Гулнафис, «Такдир синовлари»да Сора, «Ойдин»да ҳамшира, «Танҳо юлдуз — 2»да Манзура, «Қирмизи олма»да совчи аёл, «Огоҳ бўлинг, одамлар»да Азиза, «Андишали келинчақ»даги Муниса ва Тўйчиниса каби ранг-баранг роллар шулар жумласидан. Яқинда саҳна юзини кўрган «Ўткан кунлар» (Эркин Хушвақтов инсценировкаси, режиссёр — Марат Азимов) спектаклида эса Тўйбека ролини ижро этди. Муяссар Бердикулова талқин этган Тўйбекада хушчақалик, содиқлик ва меҳнатқашлик хислатлари ортида маданият, мулоҳазакорлик ҳам акс этганини пайқаш қийин эмас. Яъни,

ли, бойлик нафси кўзларини боғлаган, тор фикрли, инсонийлик қиёфасини йўқотган жоҳил аёлни кўраимиз.

«Муяссар Бердикулова билан бирга ишлаш ҳамisha мароқли ва осон, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Маҳмудова. — Сабаби, у режиссёрнинг мақсади нима эканини тезда тушуниб олади, ўз вазифасига масъулият билан қарайди. Бир саҳнада неча йиллардан буён бирга ишлаб келаётган бўлсак, унинг бирор бир режиссёрнинг репетицияларида масъулиятсизлик билан қараганини кўрган эмасман. Қолаверса, унинг табиатида ўзини ўзи тўғри баҳолай олиш, босиқлик, атрофидогиларнинг меҳнатига эътибор ва ҳурмат билан қараш хислатлари бор. Муяссарнинг шундай ички маданияти Гулнафис ролида ҳам акс этишини билганим учун шу қахрамонни у ижро этишини истганман».

ҚАЛБИНГДАГИ МУҲАББАТ...

Кечга томон «уфқ», «соҳил ёқалаб чопайтган олапар» сингари, «қулаётган тоғлар» ортга ёнбошлай бошлади. Табиатнинг инқиқ «кеча ва кундуз»лари, «ўтган кунлар»ни ёдга солаверади, солаверади. Қанча уринмай, «ўқисик диллар фарёди» ўғирланган «ҳаловат»имни қайтара олмаяпти. Шифтга илинган «биллур қандиллар», «оқ булут, оппоқ булутлар» сингари зулмат қоплаган хонамга илқилик олиб киргандек гўё.

«Дунёнинг ишларини қаранг. «Қил устидаги тақдир»имни ўз қўлим билан «дўзах» қарига улқотиряпман. Билибми ё билмай «муҳаббат тилсимининг» «қора қаср асираси»га айландим-у, «Чўлпон» юлдуз сингари порлаб турган бу ҳисда мубтало бўлдим, қолдим. «Телба» ҳаёлларим тумандай тарқаб кетди.

«Кеч куз» кунларининг бирида, оёқларим остидаги «ола-чипор тошлар»ни ўйнаганча уни кута бошладим. Атрофга қарайман. «Жимжитлик.» Қоронғулик қўшининг сўнги нурларини «қамал» қила бошлади. Ниҳоят у кўринди. Бейхитёр юрагим шундай деб ура бошлади:

«Азизим», бугун яна келдим. Сабоби, «қўларингни кўргим келди.»

«Севгим, севгилим», бу «мардимай-дон» ичра ёлғиз қолмоқликни ўйласам, юрагимда «минг бир кеча» қаламуш кемиргани каби зирқираб оғрийдим. Афсуски, буни билмаслигини билмаман. «Қор қўйнида лола»

Асарлар сўзлагана

унмагани каби, сенинг тош қалбингда ҳам муҳаббатга ўрин йўқ.

Қўлларингда турган «бой берилган жаннат гуллари», билмадим, бугун кимнинг кўнглини шод айлайди.

«От кишнаган оқшом»ларда деразадан илҳақ кўкка боқаман. Юлдузлар сендан олиб келган «оқшом хабарлари», «одам қиёфасидаги бўрилар» сингари ҳар томондан таллай бошлайди. Рост, улар алдамайди. Чунки «юлдузлар мангу ёнади». Шунда мен «мувозанат»ини йўқотган қўш сингари «икки эшик ораси»да қолиб кетаман. «Ёлғизликнинг юз йили»ни бахтиёр ўтказган бир кунимга ҳеч иккиланмай тортиқ қилар эдим. Мана шу лаҳзалар мен учун «асрга татиғулик кун»дек гўё.

«Ушшоқ» қалбларимиз «тасбеҳ» сингари дунё синоатида айлангани айланган. Муҳаббат ҳам илм. Уни

ўрғанмоқ керак. «Абадият қонуни» шу: «Туғилдингми, бу дунёда толибсан». Сенга бу сўзларни айтолмайман. Чунки «ҳаё — ҳалоскор».

Хира ой нурида ёнимда турган шарпани сезаман. Ахир, бу ўзимнинг соям-ку! Ҳа, «нур борки, соя бор». «Фарғона тонг отгунча» «чўли ироқ» наволарига маст бўлиб уйғонади. Мен эса «самовий ишқ» «гирдоб»ида «жазирамадаги одамлар» сингари қовжираб бораёпман. «Даҳшат», атрофимдан «қон ҳиди» аримайди. «Меҳробдан чиққан чаён» каби юрагимга ўрмалаб кирган бу туйғуларни «ўлик руҳлар» ўз қомига тарта бошлади. Йўқ, «муҳаббат ўлимдан қучли.»

«Дафтар ҳошиясидаги битиклар»га кўз ташлар эканман, «тушда кечган умрлар»им бир-бир кўз олдимдан ўтади. «Минг бир жонни ҳовучлаб, «сўнги бекат» томон йўл оламан. «Ойдинда юрган одамлар» менга ҳайрат билан боқишади.

Юрагимда пайдо бўлган «зилзила» «қиёмат»дан дарак берапти. «Ўлим ҳеч нарса эмас». Аммо қалбингдаги муҳаббатни сугуриб олмай туриб, «бу дунёда ўлиб бўлмайди.»

Махсума ОКЎЗИЕВА



«ЎзАС» галереяси

Акmal Н.В. «Қўшқ».

Дунё — кенг...



УЧАР МАШИНА

Генри Форд вақти келиб бир йўла ҳам самолёт, ҳам автомобил вазифасини бажарадиган ҳаракатлиниш воситалари яратилиши мумкинлигини башорат қилганди. Бугун ҳавода учиб юрган енгил машиналар фантазия эмас, айни ҳақиқат.

Словакиялик Штефан Кляйн "Aeromobil V2.5" деб номланган бундай машинани яратиш учун роппа-роса 20 йил тер тўқди. У романтик ҳаваскор эмас, балки профессионал автомобил дизайнери. Яқинда унинг илк автомобили биринчи парвозини амалга оширди. Бу воқеа билан боғлиқ барча жараёнлар ҳужжатлаштирилиб, тасвирларга ҳам олинди. Унинг айтишича, бу антиқа аэромобил оддий йўлларда ҳаракат қилиб, одатдаги шаҳар ёнида қўйиш тармоғидан бензин олади. "Aeromobil V2.5"га сертификат олиш учун икки йилча вақт керак. Шундан сўнг уни кўплаб нусхада ишлаб чиқариш мумкин.

Аэромобил ерда соатига 160 километр тезликда ҳаракатлана оlsa, ҳавода соатига 200 километр тезликда парвоз қилади. Ёнидаги идишига аэромобилнинг 700 километр массага учиб боришига ётадиган ёнилғи сифати. Вазни эса — 450 килограмм.



Американинг "Terraugia Transition" аэромобили эса, аллақачон сертификат олишга муваффақ бўлди. АҚШда бу борада қийинчилик йўқ; ҳайдовчининг учувчи деган лицензияси ва ҳавода бор-йўғи 20 соат учган бўлиши kifоя. "Terraugia Transition" ҳам исталган йўлда ҳаракатланиб, ҳар қандай учуш-қўнуш йўлагидан ҳавога кўтарила олади. Бу "учар машина" ҳам "Aeromobil V2.5" каби 100 от кучига тенг, бензиндан фойдаланадиган двигателга эга ва "Rotax 912" сув совуттичи билан жиҳозланган.

Масаланинг мураккаб жиҳати шундаки, бу "учар машина" 279 минг доллар ёки 8,5 миллион рубль туради. Аэромобилнинг олдинги гилдиракларини ҳаракатга келтирувчи мотор парвоз пайти парракларни айлантиради.

ҲИМОЛАЙ ТОҒИ МУЗЛИКЛАРИ

нега эримоқда?

Ҳиндистон ва Непал осмонига кўтарилаётган углеводород бирикмаларининг тўртдан бир қисми марҳумлар жасадини ёқиш маросимлари ҳамда ибодатхоналарда хушбўй хид таратувчи гиҳларни чекиш туфайли пайдо бўларкан. Бу маросимлар пайтида ҳосил бўладиган тўтунлар Ҳиндистон ярим ороли атмосферасини ниҳоятда ифлослантираётган манбалардан бири сифатида тилга олинмоқда. АҚШдаги Nevada's Desert Research институти ҳамда Ҳиндистоннинг Шанкара Шукли университети олимлари олиб борган тадқиқотларга биноан Ҳимолай тоғлари музликлари тез эриб кетишига ана шу маросимлар пайти ҳавога кўтарилаётган тўтунлар асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Ҳиндистон ярим ороли атмосфераси ифлосланишининг 23 фоизи ушбу диний маросимлар билан боғлиқ ҳолда талқин этилаётди. Биргина Ҳиндистоннинг ўзида уч миллионга ибодатхона мавжуд бўлиб, ҳар йили 10 миллиондан ортиқ тўй маросими ўтказилар экан. Daily Telegraph агентлигининг Nature журнаliga таъйин ёзишича, ана шу тадбирлар билан боғлиқ маросимлар пайтида ҳавога кўтариладиган тўтунлар таркибида формальдегид, бензол, стирол, бутадиен каби 14 хил зарарли органик бирикмалар мавжуд бўлиб, улар музликларни емиришидан ташқари, одамлар саломатлиги учун ҳам зарарли ҳисобланади.

ГЛОБАЛ ИСИШ

ҳайвонлар жуссаси кичрайишига олаб келадими?

Ёзининг одатдагидан иссиқ келиши, музликлар ва музларнинг эриши, ёнғингарчиликнинг кўпайиши глобал даражада иссиқ туфайли келиб чиқадиган ноҳус жараёнларнинг атиги бир нечаси холос. Олимлар жониворлар глобал иссиқ туфайли ҳамман кичрайиб кетиши ҳам мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Ергади фауна билан боғлиқ бундай ҳол авваллари ҳам камида икки марта кузатилган экан. Масалан, тахминан 55 миллион йил аввал юз берган Ернинг кучли иссиқ пайтида ҳозирги отларнинг аجدодлари бўлмиш тоқ туёқлилар гавдасининг ҳажми деярли уч баробарга кичрайган. Тахминан 200 минг йил давом этган энг сўнги глобал иссиқ пайтида сайёрамиз ҳарорати тахминан олти даражага кўтарилган.

Мичиган университети палеонтолог Ф.Гингерич келтирган далилларга кўра, ўша отлар 53 миллион йил аввал яна 19 фоизга кичрайган экан. Ушанда рўй берган иссиқ жараёнлари аввалгисидек кучли бўлмаган. Фанда "2-термик максимум", деб аталган бу давр 80-100 минг йил давом этган. Бу даврда ҳам, биринчи глобал иссиқ пайтидагидай бўлмасда, барибир, ҳайвонлар жуссаси бироз кичрайган.

Яқин келажакда ҳам шундай ҳол такрорланиши мумкин, дейишмоқда олимлар.

Интернет хабарларидан.

Аллолар ибрати

Ўзидан истъододли одамларнинг иқтидорини тан олиш, улардаги яхши хислатларни муносиб тарзда баҳолаш аслида мардлик ҳисобланади. Зеро, бир инсоннинг иқтидори ўзгалар томонидан тан олинмиши, кўпинча буюк кашфиётлар юзага келишига туртки бўлади. Улуғ аждодларимиз ўз вақтида ўзгаларга тан бериш хислатларига эга бўлишган.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий туркий тилда битилган "Хамса"сининг ҳар бир достонида ўзидан олдин форсийда "Хамса" яратган Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомийга эҳтиромини ифода этган. Хусусан, "Фарҳод ва Ширин" достонида шундай байт келтирган: "Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ."

Абдурахмон Жомий Навоий "Хамса"сини биринчилардан бўлиб олқишлаган

бўлса, Султон Хусайн Бойқаро шоирни ўзининг оқ отига миндириб жиловдорлик қилган. Буни ижодкор истъододини тан олишнинг ёрқин намунаси, дейиш мумкин.

Алишер Навоий мавлоно Лутфий мактабидан сабоқ олган ва уни "форсий ва

ТАН ОЛИШ ҲАМ МАРДЛИК

туркий тилда назари йўқ шоир", деб улуғлаган. Ўз навбатида мавлоно Лутфий ёш Алишернинг: "Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач қуёш" матлави газаляни тинглаб: "Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу газалга алмаштирардим...", деб лутф айлаган.

"Фауст", "Мағриб машриқ девони" каби шоҳ асарлар муаллифи, машхур

немис адиби Йоханн Гёте Саъдий, Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоийлар ижодини ўрганиб чиққандан кейин мардлик билан "Мен уларнинг соясига ҳам арзимайман", деган экан.

Шарқнинг буюк мутафаккири, инсониятнинг маънавий тараққиётига муносиб

Мовароуннахрнинг қомусий олим, фалсафа, мантиқ, тилшуносликка доир 160 асар муаллифи, Арастудан сўнг "Иккинчи муаллим"

лақабини олган Форобийдан сўрадилар: — Кимнинг билими кучлироқ, сеникими ё Арастуникими? Форобий шундай жавоб қайтаради: — Мен ўша замонда яшаб, Арасту билан учраганимда ва унинг қўлида тахсил олганимда эди, унинг энг яхши шогирдлари сафидан жой олган бўлур эдим.

Олтита ишончли ҳадислар тўпламларидан бири — "Саҳихи Термизий"ни тасниф этган Имом Термизий Имом Исмоил Бухорийдан таълим олганини эътироф этган. Имом Бухорий эса: "Сен мендан баҳра тоғанингдан кўра, мен сендан кўпроқ баҳра тоғдим", дея уни руҳлантирган.



Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ, техника фанлари доктори, профессор

"УЛУҒ ТЕМУРГА АЛЛА АЙТГАН ЭЛ"

Таниқли журналист Мурод Абдуллаев кўп йиллардан бери долзарб мавзуларни қаламга олиб, баҳсли, муаммоли масалаларни кўтариб келаяётган заҳматқаш ижодкорлардан.

Доимий ҳамроҳ

Унинг қаламига мансуб турли жанрлардаги публицистик асарларда юртпарвар муҳбирнинг жонқуярлиги аниқ-тиниқ кўриниб туради. Буни муаллифнинг "Улуғ Темурга алла айтган эл" ("Muharrir") нашриёти, 2013) номли китобида ҳам кузатасиз.



Китоб, асосан, ўз ижоди, фаолияти ва улкан хизматлари билан эл-юртимизда кенг танилган қашқадарёлик фидойи инсонларнинг бунёдкорлик фаолиятини ёритишга бағишланган. Улар ҳақидаги очерк ва лавҳалар тематик жиҳатдан туркумларга жамланиб, ҳар бир туркум мазмун-моҳиятига муносиб тарзда номланган. Жумладан, "Зарралари зар Ватан" номли туркумда, умуман, Қашқадарё вилоятида истиқлол йиллари амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, мустақилликни мустақамлаш борасида қўлга киритилган ютуқлар бу воқеа тарихига оид деталлар билан уйғун тарзда ёритилган. "Кўнгил мулки" туркумида эса, воқадан чиққан таниқли адиблар, олимлар, санъаткорлар

ҳаёти, уларнинг бугунги ўй-фикрлари, орзу-интилишлари қаламга олинади. Характерли жиҳати шундаки, улар ҳақида М.Абдуллаев адабиётшунос ёки мунаққид сифатида эмас, балки айнан публицист сифатида ёзади ва биз таниқли ижодкорларнинг эл орасидаги, юрт ташвишидаги, Ватан истикболи йўлидаги фаолиятини, уларнинг инсонпарварлик туйғуларини билан сўғорилган ижод намуналарини, меҳрли, оқибатли инсоний қиёфаларни кўраемиз.

Китобнинг кейинги "Ер, сув ва одамлар", "Порлоқ хотира" каби туркумлари оддий инсонлар — ўз касб-корининг фидойиси бўлган фермерлар ҳамда эл-юртга хизмати сингилган, бугунги кунда порлоқ хотираси кўпларга ибрат бўлаётган кишилар ҳақида. Бу илқ ёдномалар билан қимматлидир.

"Улуғ Темурга алла айтган эл" китобидаги очерклар, мақола, суҳбат, ёдномаларда муаллиф бугунги куннинг қайноқ нафасини беришига — фидокорлик, бунёдкорлик ва юксак инсоний фазилатларни тарғиб этишга интилган. Китобга жамланган барча асарларга хос самимий талқин, услубнинг раво ва таъсирчанлиги унинг ўқишлилигини таъминлаган.

Китобга шоир Амир Худойберди муҳаррирлик қилган.

Юртимиз фуқаролари ҳамда давлат мулкни асраб-авайлаш, турли таъвоузалар ва офатлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Айниқса, олов — "тилсиз ёв"нинг вайронкор қучи ҳалигача тўла жиловланган эмас. Айни ёнғинлар сабабли ҳар йили дунё бўйлаб минглаб одамлар бошпанасиз қолади, кўплар саломатлигидан айрилади,

БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

ҳаётдан бевақф кўз юмади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўладиган ёнғинлар эса кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодийга ҳам салбий таъсир кўрсатади.



Ана шундай кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз ёнғинга қарши ва унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари оловни жиловлаш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Улар фуқа-

шу сабабли, ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

А.МИРЗАЕВ, Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори

<p>Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ артисти</p> <p>Комуна ИСМОИЛОВАнинг</p> <p>вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдарлик билдиради.</p>	<p>Маданият ва спорт ишлари вазирлиги таниқли созанда, Ўзбекистон халқ артисти</p> <p>Қахрамон ДАДАЕВнинг</p> <p>вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изхор этади.</p>
<p>Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбек миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти</p> <p>Эркин МАЛИКБОВЕВнинг</p> <p>вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изхор этади.</p>	<p>Ўзбек миллий академик драма театри жамоаси маъзуқ театрининг бош раҳбари Бахтиёр Тўраевга отаси Ўзбекистон халқ артисти</p> <p>Файзи ТўРАЕВнинг</p> <p>вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.</p>
<p>Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси</p> <p>Фарида ШАЙХУТДИНОВАнинг</p> <p>вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдарлик билдиради.</p>	

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилми: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
 Қабулхона — 233-52-91
 Котибият — 233-49-93

Электрон манзилми: uzas@exat.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
 Саъбат бўлими: 233-56-40
 Иجتимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Ташхиритига келган кўпмаъра тахмин этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри ташхирит нуктаи назардан фойдаланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
 Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОНОВ
 Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси.
 Босмақона манзили: Ёзуки Турок кўчаси, 41-ўй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.58

ЖУМА КУНАЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОҒУВДА НАРХИ ЭРКИК.

ISSN 2181-614X

9 772181 614000

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4123 Буюртма Г — 1144. Ҳажми — 3 босма таёқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5